

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЛДИБЕКОВА А.С.**

**УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ  
ВА АМАЛИЁТИДАН ЛАБОРАТОРИЯ  
МАШҒУЛОТЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2013**

УЎК: 371.388 (072)

КБК 74.00

К-18

**К-18 Калдибекова А.С. Умумий педагогика назарияси ва амалиётидан лаборатория машғулотлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 116 бет.**

**ISBN 978–9943–10–885–1**

Мазкур қўлланма умумий педагогика назарияси ва амалиёти фанининг педагогика назарияси курсидан лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг амалий-технологик жиҳатларига бағишланган бўлиб, унда лаборатория машғулотларини ташкил этишнинг мазмуни, ўзига хосликлари ва технологияси ёритиб берилган.

Қўлланма педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, мазкур қўлланмадан педагогика соҳасида фаолият юритувчи барча мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:** **Б.Х.Ходжаев** – педагогика фанлари номзоди,  
доцент

**Тақризчилар:** **Э.Р.Юзликеева** – педагогика фанлари номзоди,  
доцент;  
**М.К.Ҳошимова** – педагогика фанлари номзоди,  
доцент.

*Қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2013 йил 10 январдаги 5-сонли йиғилиши қарори билан нашр этилди.*

**ISBN 978–9943–10–885–1**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

---

## СЎЗ БОШИ

Ҳозирги вақтда педагогика олий таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан бири–бўлажак педагогларни инновацион таълим муҳитига тайёрлаш, уларда таълимий инновацияларни яратиш, ўзлаштиришга ва амалиётга жорий этиш малакаларини шакллантиришдир. Мазкур муаммони ҳал этиш учун эса, педагогика олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларнинг амалиёт билан уйғунлигини тўлиқ таъминланишига эришиш, талабалар томонидан эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатиш лозим. «Умумий педагогика назарияси ва амалиёти» фани ҳам педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган барча бакалавриат йўналишлари учун умумқасбий фан ҳисобланиб, у ўз ичига педагогика назарияси, педагогика тарихи ва педагогик маҳорат курсларини қамраб олади. Мазкур курслар орасида педагогика назарияси талабаларга педагогиканинг умумий асосларини ўргатувчи муҳим фан ҳисобланади. Ўқув режасига кўра, педагогика назарияси назарий машғулотлар (маъруза) билан бирга лаборатория машғулотларини ўтказишни ҳам кўзда тутди. Бироқ педагогика назариясининг барча мавзулари бўйича лаборатория машғулотларини ташкил этишнинг имконияти мавжуд эмас. Чунки талаба аввало, ўрганилаётган мавзу юзасидан назарий билимларни эгалламасдан туриб, ўша мавзу юзасидан амалий-тадқиқотчиликка доир вазифаларни ҳал эта олмайди. Ана шу сабабли педагогика назарияси фанидан лаборатория машғулотларини семинар-лаборатория шаклида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қўлланмада худди ана шу жиҳатлар ҳисобга олинган.

Қўлланма педагогика назарияси фани бўйича йигирмата лаборатория машғулотлари ишланмаси ва уни ўтказишга доир методик кўрсатмаларни ўз ичига қамраб олган. Ҳар бир лаборатория машғулотлари ўқув жараёнининг тузилишига мос ҳолда талабадан бир нечта амалий топшириқларни бажаришни талаб этади. Лаборатория ишланмаларида акс этган топшириқларнинг айримларини талаба уй вазифаси сифатида, қолганларини индивидуал ва кичик гуруҳларда ишлаш орқали

бажаришлари мумкин. Қўлланманинг энг муҳим жиҳати лаборатория машғулотларини педагогиканинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишга мўлжалланганлигидир.

Мазкур методик қўлланма педагогика назарияси фанидан лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишга мўлжалланган илк бор яратилаётган қўлланма сифатида педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун муҳим манба сифатида хизмат қилади.

# 1-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.

## МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

### I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари

#### *Лаборатория машғулотининг тузилиши.*

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этишини ўрганиш ва таҳлил этиш.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқларни бажариш.

4. Кичик гуруҳларда ишлаш: «Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хослиги шундаки...» мавзусида асосланган эссе ёзиш ҳамда тақдимот қилиш.

**Лаборатория машғулотининг мақсади:** талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда таълим тизими ва турларининг ўзига хосликлари ҳақида аниқ фикр юрита олиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

#### **Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):**

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этиши масаласини баён юзасидан талабаларга зарур кўрсатмалар бериш.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ёритилган чизмани тақдим этиш ва талабаларни чизмага изоҳ беришга йўналтириш.

3. Талабаларга Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқларни тақдим этиш ва уларни бажаришга доир тушунтириш бериш.

4. Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ишини ташкил этиш ва бошқариш.

**Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):**

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжатлари – «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар

тайёрлаш Миллий дастури ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини тушунтириб берадилар.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмларининг вазифаларини баён этишади ҳамда уларнинг бири-бири билан боғлиқлигини изоҳлайдилар.

3. «Таълим тизими» ва «таълим турлари» тушунчаларининг алоҳида мазмунга эгаллигини фарқлашади; Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хосликларини қиёслайдилар ва умумий хулосага келадилар.

## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун)**

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжатлари – «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари билан танишиш ҳамда таҳлил этиш («Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобининг 20-60 бетлари).

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмлари (Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3-бўлим, 3.1; 3.2; 3.3; 3.4; 3.5 бандлари)нинг вазифаларини ажратиб ўрганиш.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари («Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 9-10-11-12-13-14-15-16-17-18-19 моддалари)ни ўрганиш ва конспект килиш.


## **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Машғулотга доир топшириқларни конспектлаш. – 2 балл.
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. Кичик гуруҳларда ишни бажариш – 1 балл.

## **IV. Назарий билимларни мустаҳкамлашга доир топшириқлар**

1-топшириқ. Қуйидаги чизмага эътибор қаратинг. Муаммо юзасидан фикр юритинг.



**2-топширик. «Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турлари» мавзусидаги чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги**

*Қуйида келтирилган жумлалар билан танишинг. Уларни мос равишда жадвалнинг керакли устунига ёзиб қўйинг.*

1. Бешта бўлим, ўттиз тўрт моддадан иборат.
2. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи.
3. Шахс.
4. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш.
5. Фан.
6. Таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги.
7. Билим олиш ҳукуқи.
8. Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш.
9. Ишлаб чиқариш.
10. Халқаро ҳамкорлик.
11. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.
12. Педагогик фаолият билан шугулланиш ҳукуқи.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун	Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури	Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари

## **V. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва турларига доир амалий топшириқлар**

**1-топшириқ. Қуйида келтирилган жумлаларни давом эттиринг.**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганидан қатъий назар...
2. Давлат таълим стандартлари...
3. Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:...
4. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: ...
5. Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади: ...
6. Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар...
7. Таълим муассасасини аккредитациялаш....
8. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш...
9. Давлат таълим муассасаларини молиялаш...
10. Нодавлат таълим муассасаларига қабул...
11. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларига қуйидагилар кирази: ...
12. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан...

**2-топшириқ. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.**

1. ... аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.
2. Ўзбекистон Республикасида таълим ... турда амалга оширилади.



3. ... бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

4. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча ... учун мажбурийдир.

5. ... юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

6. ... ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

7. ... ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

8. ... умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган.

9. ... билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

10. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва ...

11. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ... томонидан белгиланади.

12. Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни ... асосида олишга ҳақлидирлар.

**3-топшириқ. «Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг афзаллиги ва ўзига хослиги шундаки...» мавзусида асосланган эссе ёзиш.**

**Топшириқни бажариш тартиби:**

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

## **2-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАВЗУ: ПЕДАГОГЛИК КАСБИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

#### **I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### *Лаборатория машгулотининг тузилиши.*

1. Педагоглик касбининг пайдо бўлиши ва демократик жамиятда педагоглик касбининг ўзига хосликларини ўрганиш.
2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касби ҳақидаги қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
3. Педагогнинг шахсий ва касбий сифатларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни бажариш.
4. «Менинг идеалимдаги педагог» мавзусида ўн минутлик эссе ёзиш.

*Лаборатория машгулотининг мақсади:* талабаларнинг педагоглик касби ва унинг ўзига хосликларига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда улар томонидан педагогнинг шахсий ва касбий сифатларининг ўзлаштирилишига эришиш.

##### *Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. Педагоглик касби билан боғлиқ тушунчаларни ва демократик жамиятда педагог ролларининг намоён бўлишини ажратиб кўрсатиш.
2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини талабаларга тақдим этиш ва уларни таҳлил этишга йўналтириш.
3. Педагогнинг шахсий ва касбий сифатларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни тақдим этиш ва уларни бажаришга доир тушунтириш бериш.
4. Талабаларни эссе ёзишга доир зарурий кўрсатмалар билан қуроллантириш.

*Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. Педагоглик касбининг пайдо бўлишини ўрганишда ҳамда педагоглик касби билан боғлиқ тушунчалар (касб, мутахассислик, педагогик мутахассислик, педагог, педагогик малака) ва демократик жамиятда педагог роллари (фасилитатор, тьютор, ингилатор)нинг намоён бўлишини билиб олишда.

2. Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини ўрганадилар.

3. Педагогнинг шахсий (эътикод, ижтимоий фаоллик, фуқаролик туйғуси) ва касбий (виждонлилик, адолатпарварлик, масъулият ҳисси, фидокорлик, педагогик лаёқат) сифатларни ўзлаштирадилар.

4. Ўз идеалларида педагог тимсолини яратишади ва педагоглик касбига барқарор қизиқиш юзага келади.

## II. Мащғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Педагоглик касбининг пайдо бўлиши ҳамда луғат (Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: «Fan va texnologiyalar» нашриёти, 2008) ёрдамида педагоглик касби билан боғлиқ тушунчалар (касб. мутахассислик. педагогик мутахассислик. педагог. педагогик малака) ва демократик жамиятда педагог роллари (фасилитатор. тьютор. ингилатор)нинг намоён бўлишини ўрганиш.

2. Педагогика тарихига доир ўқув адабиётлари (К.Ҳошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1996) билан танишиш орқали Шарқ ва Ғарб педагогларининг педагоглик касбига доир қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

3. «Замонавий педагог шахси модели» билан танишиш ҳамда ҳар бир сифат ва хусусиятга изоҳ ёзиш.

4. «Менинг идеалимдаги педагог» мавзусида ўн минутлик эссе ёзиш.

*Эссе* – бу муаллифнинг индивидуал нуқтаи назарини ифода этиш шакли бўлиб, бирор нарса-ҳодиса ёки жараён ҳақидаги умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Ўн минутлик эссени ёзиш қоидалари:

1. Таклиф этилган мавзуга доир сўзлар ҳажми 500 тадан 1000 тагача бўлиши мумкин.

2. «Педагог деганда кўз олдимга ... келади», «Менинг фикримга кўра педагог ... бўлиши керак», «Замонавий педагог ... каби сифатларга эга бўлиши керак» каби жумлалардан фойдаланинг.

3. Ўзингиз ҳавас қилган, сиз учун идеал бўлган устозларингиздан бири мисолида орзуингиздаги педагог тимсолини гавдалантиринг.

### **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Машғулотга доир топшириқларни бажариш. — 4 балл
2. Мунозараларда иштирок этиш — 0,5 балл
3. Кичик гуруҳларда ишни бажариш — 0,5 балл

### **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1-топшириқ. Қуйида келтирилган қатра(ўйлар)лар билан танишинг ва уларни жуфтликларда муҳокама қилинг.**

#### **Дехқон ва муаллим (Ўткир Ҳошимов)**

Дехқон нопоб уруғ сепса, аччиқ «ҳосили»ни бир ўзи «ўриб олади». Ўша йили.

Ўқитувчи боланинг қалбига нобоп уруғ сепса, аччиқ «ҳосили»ни бутун жамият ўриб олади. Йигирма йилдан кейин...

Муаллим моддий бойлик яратмайди, дейдиганлар жамитни ичидан портлатувчи бомбадир!

#### **Устоз (Ўткир Ҳошимов)**

Устоз отангдек улуғ, деганлари бежиз эмас. Ота ҳаёт беради. Устоз эса яшашга ўргатади. Туғилишдан кўра яшаш кийинроқ....

#### **Чархпалак (Ўткир Ҳошимов)**

Мактабимиз биқинидан ариқ оқарди. Ариқда чархпалак бор эди. Катта танаффусда чархпалакни томоша қилишни яхши кўрадим... Ёғоч ғардиши кўхна, темир пақирчалари занглаб кетган. Паррақлариға кўкимтир сув ўтлари ёпишган... Биров ёлғондан туртиб юборса, ростдан қулаб кетадигандек... Чархпалак нолали чийқиллаб айланади. Кифтида сув кўтариб юқорига олиб чиқади... Тепага чиқиб олган суви ортга қайтмайди... Чархпалак ҳам бунга ранжмайди. Янғидан-янги сув томчиларини юқорига кўтариб бераверади... Нолали ғийқиллайди...

Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша чархпалак тушларимга кирадиган бўлди. Нега шундай бўлганини узоқ ўйладим...

Сўнг... Бир ҳақиқатни англадим. Мен чархпалакни эмас, устозларимни кумсар эканман.

Сув – сув эмас, мен эканман! Чархпалак – чархпалак эмас, ўқитувчиларим экан!

Мени – бир томчи сувни катта ҳаёт йўлига олиб чиқиб қўйган устозларим – чархпалак заҳматини оқлай олдиммикан?.. Билмадим.

...Кўхна чархпалак ҳамон тушларимга киради..

## 2-топшириқ. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагогиклик касбига доир қарашларини ўрганишга доир БЛИЦ-ўйин

Ўйинни ўтказиш тартиби:

1) талабаларга жадвалнинг чап томонида берилган тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади;

2) дастлаб индивидуал равишда тушунчаларга мос жавобни ўнг томондаги фикрлар орасидан танлаб, тартибланган рақамини «индив. жавоб» устунига (масалан, «1» рақамли тушунчага «10» рақамдаги жавоб) ёзиш сўралади;

3) сўнгра худди шундай тартибдаги иш кичик гуруҳларда амалга оширилади. Яъни, «гуруҳ жавоби» устунни тўлдирилади. Кичик гуруҳ аъзоларида мазкур устунга ёзиш учун ягона жавоб бўлиши лозим;

4) ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди. Талабалар ўзларига берилган коғознинг «калит» устунига жавобларни ёзиб чиқишади.

5) талабалар мустақил равишда калитга асосланиб, «индивидуал хато» ва «гуруҳ хатоси» устунларини тўлдиради. Ҳар бир талабанинг ва кичик гуруҳ натижалари таҳлил этилади.

Фикрлар	Гуруҳ жавоби	Гуруҳ хатоси	Калит	Индив. хато	Индив. жавоб	Педагог-олимлар
Устоз шогирдига зуғум қилишга, кўп ҳолларда ён беришга интилмаслиги керак						Алишер Навоий

Илм берувчининг овози тингловчиларнинг ҳаммасига эшитиларли, меъёрида бўлиши керак						Абу Наср Форобий
Мударрис онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим.						Имом Ал-Бухорий
Яхши ўқитувчи ўқувчиларга тайёрини берайди, тушундиришга ўргатади						Абу Али ибн Сино
Болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш лозим						Адольф Дистергер

**3-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ПЕДАГОГИКА ФАН СИФАТИДА.**  
**ПЕДАГОГИКАНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

**I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

*Лаборатория машғулотининг тузилиши.*

1. Педагогика фанининг пайдо бўлиши ҳамда педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини ўрганиш.
2. Педагогиканинг асосий категорияларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
3. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методларига доир амалий топшириқларни бажариш.
4. Очiq ва ёпиқ жавобли анкета тузиш.

*Лаборатория машғулотининг мақсади:* талабаларнинг педагогика фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, педагогика фанининг методологик асосларига доир билимларини мустақамлаш ҳамда уларда педагогиканинг илмий-тадқиқот методларидан фойдаланишга доир кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

*Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. «Педагогика» тушунчасининг келиб чиқиши, педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари ҳақида конкрет билим ва тасаввурларни шакллантириш.
2. Талабалар томонидан педагогиканинг асосий категориялари ва уларнинг моҳиятини ўзлаштирилишига эришиш.
3. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни тақдим этиш ва уларни бажаришга доир тушунтириш бериш.
4. Талабаларни очiq ва ёпиқ жавобли анкеталар тузишга доир кўрсатмалар билан қуроолантириш.

*Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. «Педагогика» тушунчасининг келиб чиқиш тарихини ўрганишади ҳамда педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини билиб оладилар.
2. Педагогиканинг асосий категориялари (таълим, тарбия, маълумот, шаклланиш, ривожланиш)ни ўрганадилар.

3. Педагогиканинг назарий (анализ, синтез, классификация-лаш, структуралаш, моделлаштириш, таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш) ва эмпирик (анкета, педагогик кузатиш, суҳбат, педагогик эксперимент)дан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ўзлаштирадилар.

4. Очиқ ва ёпиқ жавобли анкеталар тузиш орқали дастлабки тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўлишади.

## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Педагогика фанининг пайдо бўлиши ҳамда педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 28-31; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.26-28; Подласый И.П. Педагогика. – М: «Высшее образование», 2008. – С.39-50).

2. Педагогиканинг асосий категорияларини ўрганиш, таҳлил этиш ва жадвал кўринишида дафтарга қайд этиш (Педагогика // М.Х.Тохатаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М: «Высшее образование», 2008. – С.51-61).

3. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методларига доир амалий топшириқларни бажариш.

*1-топшириқ. Қуйидаги келтирилган фрагментлар билан танишинг. Уларда қайси педагогик илмий-тадқиқот методи ҳақида фикр юритилаётганлигини аниқланг.*

1-лавҳа. Мазкур илмий-тадқиқот методи бевосита ва билвосита олиб борилиб, таълим-тарбия жараёнидаги мавжуд муаммони аниқлашга хизмат қилади.

2-лавҳа. Ўқув машғулотларининг жадвали, ўқув дастури, гуруҳ (ёки синф) журналлари, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, Педагогик Кенгаш йиғилиши баённомалари ёзилган дафтар, Педагогик Кенгаш қарорлари, тарбиявий ишлар режаси, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш борасидаги ҳисоботлар мазкур метод учун манба бўлиб хизмат қилади.



3-лавҳа. Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этиш мақсадида қўшимча равишда ташкил этилади ва савол-жавоб тарзида амалга оширилади.

4-лавҳа. Мақсадига кўра асословчи ва таъкидловчи босқичларда амалга оширилиб, узоқ ва қисқа муддатга ташкил этиладиган ҳамда қатъий режим асосида педагогик кузатув олиб борилади. Таълим-тарбияни амалга оширишга доир янги метод, усул, восита ва технологиялар синовдан ўтказилади.

5-лавҳа. Социологик тавсифга эга тадқиқотларда қўлланилиб, ошкора муҳокамага асосланади. Саволлар ва жавоблар олдиндан тайёрланади.

6-лавҳа. Бирор объект ҳақида янги маълумотларни олиш мақсадида унинг таркибий қисмлари абстракт ҳолатга кўчириш асосида ўрганилади ва яхлит андозаси яратилади.

*2-топшириқ. Қуйида келтирилган мисоллар билан танишинг ва уларнинг қайси илмий-тадқиқот методига тегишли эканлигини аниқланг.*

1-мисол. Сиз мазкур таълим муассасасини танлаганингиздан хурсандмисиз? 1) ҳа, хурсандман; 2) жуда хурсанд эмасман; 3) йўқ; 4) жавоб беришга қийналаман.

2-мисол. 2.1. Ўрганилаётган фанларни ўзлаштиришга сизнинг таълимнинг аввалги босқичидаги тайёрлигингиз етарлими? 2.2. Сизнинг-ча, олий таълимда ўқишнинг мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежидан фарқи нимада?

3-мисол. 3.1. Инновация деганда нимани тушунасиз? \_\_\_\_\_


3.2. Инновация ва янгилик тушунчалари ўртасида тафовут мавжудми? Ўз фикрингизни асосланг \_\_\_\_\_

4-мисол. 4.1. Керакли сўзни топиб қўйинг. Ўзбекистон – ... давлат.

4.2. Саволга жавоб беринг. Амир Темур қандай давлат тузган?

4.3. Гапни давом эттиринг. 1999 йил Жалолоддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Унинг таваллуд санаси муносабати билан ...

4. «Педагогик касбини танлашдан мақсад»ни аниқлашга доир очик ва ёпиқ жавобли анкета тузиш.



У-7561

### **III. Талабаларни машғулоти оуинча баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Китоб билан ишлаш ва конспект ёзиш. – 1 балл
2. Топшириқларни бажариш ва анкета тузиш – 2 балл
3. Савол-жавобларда ва мунозарада иштирок этиш – 2 балл

### **IV. Машғулоти ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

#### **1. «Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?» мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: «Педагогика фанини ўрганиш нима учун зарур?» мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт туганганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

#### **2. «Педагогика» тушунчасининг келиб чиқиши, педагогика фанининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. «Педагогика» сўзи қандай маънони билдиради?
2. Педагогика фани қай тарзда пайдо бўлди?
3. Илмий педагогика нечанчи асрда юзага келди?
4. Педагогика фани нимани ўрганади?
5. Педагогика фанининг объекти нима?
6. Педагогика фанининг объектини белгилашда хилма-хил ёндашувлар кўзга ташланади. Бундай ёндашувларга сизнинг муносабатингиз қандай?
7. Педагогика фанининг предметини нима ташкил этади?
8. Педагогиканинг таҳлилий функцияси қандай вазифаларни бажаради?

9. Педагогиканинг прогностик функцияларига нималар киради?

10. Педагогиканинг ташкилий функцияси ўз ичига нималарни қамраб олади?

11. Педагогиканинг методологик функцияси деганда нимани тушунасан?

### **3. Педагогиканинг асосий категорияларини ўзлаштиришга доир муқобилини танлаб олиш тести**

- |   |               |
|---|---------------|
| 1. Тарбияланувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён. | А) маълумот   |
| 2. Муайян аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.                     | В) таълим     |
| 3. Таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.                                      | С) ривожланиш |
| 4. Ҳаётий фаолият жараёни ва махсус тарбиявий хатти-ҳаракатлар таъсирида инсон ривожланишининг муҳим шакли.   | Д) маълумот   |
| 5. Тарбияланувчининг психикаси ва жисмоний тараққиётида босқичма-босқич ва қонуний ўзгаришларнинг содир бўлиши  | Е) шаклланиш  |

#### **4-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАВЗУ: ЎҚУВЧИ ШАХСИ ТАРБИЯНИНГ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

#### **I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### ***Лаборатория машғулотининг тузилиши.***

1. «Одам», «инсон», «шахс» тушунчаларини қиёсий ўрганиш ҳамда шахс тушунчасининг моҳиятини ўзлаштириш.
2. Шахснинг «ўсиши», «ривожланиши» ва «шаклланиши» масалаларини фанлараро боғлиқликда таҳлил этиш.
3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувларни таҳлил этиш ва ўзига хосликларини аниқлаш.
4. Шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил этиш.
5. Шахсни шакллантиришнинг ёш даврларига тавсиф бериш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг шахснинг шаклланиши, тарбияси ва ижтимоийлашувига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда ёш даврларининг ўзига хосликларини фарқлай олиш кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

##### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Талабаларни «Одам», «инсон», «шахс» тушунчалари мазмунини фарқлай олишга ўргатиш.
2. Шахснинг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хосликларини аниқлаштириш.
3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олинишига эришиш.
4. Шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни қиёсий тавсифлашга ўргатиш.
5. Шахсни шакллантиришнинг ёш даврларига тавсиф бериш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. «Одам», «инсон», «шахс» тушунчаларини фарқлай олишга ўрганадилар.
2. «Ўсиш» ва «ривожланиш» тушунчаларининг шахс ривожланишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари сифатида хизмат қилишини англайдилар.

3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувлар (биологик, ижтимоий, биоижтимоий, замонавий)нинг мазмун-моҳиятини ўзлаштирадилар.

4. Ирсият, мухит, таълим-тарбия, шахсий фаолликнинг шахсни шакллантиришга таъсирини қиёслайдилар, хулосалар чиқаришади.

5. Шахсни шакллантиришнинг ёш давларига тавсиф беришади.

## II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун)

1. «Одам», «инсон», «шахс» тушунчаларини қиёсий ўрганиш ҳамда шахс тушунчасининг моҳиятини ўзлаштириш (Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004; Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. – Т.: «Фан», 2007).

2. Шахснинг «ўсиши», «ривожланиши» ва «шаклланиши» масалаларини фанлараро боғлиқликда таҳлил этиш. (Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004; Содиқов Қ., Арипова С.Х., Шахмурова Г.А. Ёш физиологияси ва гигиена. – Т.: «Янги аср авлоди», 2009; Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va technologya» нашриёти, 2008)

3. Шахсни шакллантиришга доир ёндашувларни таҳлил этиш ва ўзига хосликларини аниқлаш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va technologya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004; Подласый И.П. Педагогика. –М: «Высшее образование», 2008.).

4. Шахсни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va technologya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004; Подласый И.П. Педагогика. – М: Высшее образование, 2008).

5. «Шахсни шакллантиришнинг ёш даврлари» мавзусидаги тоифалаш жадвалини тўлдириш.

Мақтабгача таълим ёш даври	Кичик мақтаб ёши	Ўрта мақтаб ёши (Ўсмирлар)	Катта мақтаб ёш даври (Ўспиринлар)

### III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл
2. Машғулотга доир вазифаларни бажариш ва мунозараларда иштирок этиш – 2 балл
3. Тоифалаш жадвалини тўлдириш ва тақдимот қилиш – 2 балл

### IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар

#### 1. Ўйланг/ фикр юритинг/ муҳокама қилинг

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега қарга ўртача 200-300 йил яшайди. Лекин унинг болалиги узоғи билан беш-олти ой давом этади. Инсон ўртача 60-70 йил умр кўради. Бироқ у 20-25 ёшларида мустақил ҳаёт бошлайди. Мазкур ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

#### 2. Тугалланмаган гаплар методикаси

Қуйида келтирилган жумлаларни ўқинг ва жумлага мос келадиган бир сўз билан ифодаланадиган жавобни топинг.

- 1) ўзи истамаган ҳолда бировга ёмонлик қилиб қўйса ҳам, мазкур ишидан афсусланади, виждон азобида қийналади – ...
- 2) индивидлар ичида бир тур – ...
- 3) жамиятда ўз ўрнига эга, ижтимоий аҳамиятга эга мақсад йўлида бир ёки бир неча кишини ўз орқасидан эргаштира олади – ...

### **3. «Тушунчалар иерархияси» методикаси**

Куйида келтирилган атамалар иерархиясига эътибор қаратинг ва уларнинг жойлашиш тартибига ўз муносабатингизни билдиринг. Ҳар бир атамага изоҳ беринг.

- 1) ўсиш;
- 2) ривожланиш;
- 3) шаклланиш;
- 4) тарбия;
- 5) ўз-ўзини тарбиялаш;
- 6) ўз-ўзини такомиллаштириш.

### **4. Шахснинг ривожланишига доир ёндашувлар**

Куйидаги фикрлар билан танишинг, уларда шахс ривож масаласи қайси нуқтаи назардан ўрганилаётганлигини тушунтиринг.

1) инсон табиий мавжудот бўлиб, унинг бутун хатти-ҳаракатлари туғма инстинкт ва эҳтиёжлар натижасидир. Инсон жамият талабларига бўйсунишга мажбур, шу билан бирга, табиий эҳтиёжларини ҳам намоён қилиб боради;


2) инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, фақат ҳаётини фаолияти давомида бошқалар билан доимий мулоқот ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири остида ижтимоийлашади;

3) инсондаги психик жараёнлар (сезги, идрок, фикрлаш кабилар) табиий таъсифга эга, инсоннинг йўналганлиги – қизиқишлари, қобилиятлари ижтимоий ҳодиса саналади;

4) шахс яхлит таъсифга эга бўлиб, унинг ривожига нафақат фаолиятидаги ўзига хосликлар, балки турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт натижалари – мотив, мақсад, қизиқиш кабилар ҳам унинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

### **5. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни таснифлашга доир топшириқ**

«Шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар» чизмасини тугалланг.





## **5-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

#### **I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### ***Лаборатория машғулотининг тузилиши.***

1. Таълим жараёнини яхлит тизим сифатида ўрганиш ва таҳлил этиш.

2. «Қонун», «қонуният» ва «тамойил» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш.

3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини изоҳлаш ҳамда моҳиятини очиб бериш.

4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини таҳлил этиш ҳамда таълим қонуниятлари билан алоқадорлигини баҳолаш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг таълим жараёни, унинг қонуниятлари ва тамойилларига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим қонуниятлари ва тамойилларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

##### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Талабаларни таълим жараёнини яхлит ходиса сифатида тушунишга йўналтириш.

2. «Қонун», «қонуният», «тамойил» ва «қоида» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўзлаштирилишига эришиш.

3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ажрата олишга ўргатиш.

4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларининг таълим қонуниятлари билан алоқадорлигини кўрсатиб бериш.

##### ***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Таълим жараёни яхлит ходиса сифатида мақсад, натижа, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, мазмун, шакл, метод ва восита каби

таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигидан иборат эканлигини англайдилар.

2. «Қонун», «қонуният», «тамойил», «қоида» тушунчаларининг таърифини билиб олишади.

3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ўзлаштирадилар.

4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларининг таълим қонуниятлари билан алоқадорлиги ҳақида хулосалар чиқарадилар.

## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Таълим жараёнини яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш ва унинг тузилишини аниқлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтоҳоджаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008).

2. Педагогикага оид лугатлардан (Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли лугат. – Т.: «Fan va texnologiyalar» нашриёти, 2009; Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Научное издательство «Большая Российская энциклопедия», 2007; Морозова О.П. Педагогический словарь-справочник. – Барнаул: 2000) фойдаланган ҳолда «қонун», «қонуният», «тамойил» ва «қоида» тушунчаларига изоҳ ёзиш.

3. Таълимнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ўрганиш ҳамда ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ бериш (Педагогика // М.Х.Тохтоҳоджаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008.).

4. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтоҳоджаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008).

### III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл
2. Машғулотга доир топшириқларни бажариш ва мунозараларда иштирок этиш – 2 балл
3. Таълим жараёни қонуниятлари ва таъйилларининг алоқадорлигини тушунтириб бера олиш – 1 балл

### IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар

#### 1. Таълим жараёни «формула»си

*Изоҳ:* одатда формула деганда кўз олдимизга математик-физик ҳодисалар гавдаланади. Бироқ таълим жараёни ҳам ўзига хос формулаларда ифодаланиш хусусиятига эга. Қуйидаги формулага эътибор қаратинг ва уни изоҳланг. Сизнингча, унда қандай маъно ифода этилган?

$$ДЖ = М + А_{6ф} + А_6$$

ДЖ –


М –

$A_{6ф}$  –

$A_6$  –

#### 2. Кейс топшириғи: «Таълим жараёни яхлит ҳодиса сифатида»

Қуйида келтирилган чизмага эътибор қаратинг. Унда график ифода этилган, бироқ унда акс этиши лозим бўлган жумлалар чизма остида берилган. Мазкур жумлаларни шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, натижада таълим жараёни таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги аниқ намоён бўлсин.



Чизмада акс эттирилиши лозим бўлган жумлалар:

1. Мақсад. 2. Натижа. 3. Ўқитувчи фаолияти. 4. Ўқувчи фаолияти. 5. Мазмун. 6. Шакл. 7. Метод. 8. Восита

### 3. Ижодий тест топшириғи

1. Гапни тугалланг.

Барқарор, такрорланувчи, инвариантли тавсифга эга нарса-ходиса ва жараёнларнинг ички мавжуд алоқалари ...

2. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.

Дидактикада ... деганда таълимий ходисаларнинг намён бўлиши ва ривожланиши билан шартланадиган ички мавжуд алоқалар тушунилади.

3. Гапни давом эттиринг.

Қонуният – бу ...

4. Гапни тугалланг.

Таълим жараёнининг таркибий қисмлари орасидаги объектив, мавжуд, барқарор, такрорланувчи алоқадорлик ...

5. Гапни давом эттиринг.

Тамойил деганда ...

6. Нуқталар ўрнига керакли жумлани топиб қўйинг.

... ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкилий шакл ва методларини белгиловчи бошланғич қондалардир

7. Гапни тугалланг.

Таълим тамойилларини амалга ошириш технологияси ...

#### **4. Таълим қонуниятларини ўзлаштиришга доир топшириқлар**

##### **1) таълимнинг умумий қонуниятларига доир топшириқлар**

*1.1. Қуйидагилар орасидан таълим мақсадини белгиловчи қонуниятларни аниқланг.*

1) жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси; 2) ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати; 3) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 4) жамиятнинг талаблари ва имкониятлари; 5) ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари; 6) педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари

*1.2. Қуйидаги қонуниятларни таълим жараёнининг қайси таркибий қисмига тегишли деб ҳисоблайсиз?*

1) аввалги босқич маҳсулдорлиги ва ҳозирги босқичда эришилган натижалар; 2) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 3) ўқувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш; 4) ўқувчиларнинг билим олишга қобилиятлари ва таълим вақти.

*1.3. Таълим методлари самарадорлиги қуйидаги қайси қонуниятларни ҳисобга олиш билан боғлиқ?*

1) таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва коррекцияга; 2) таълимнинг ички рағбатларига; 3) таълим мақсадига; 4) ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятларига; 5) таълим муассасасининг моддий-техник таъминотига.

*1.4. Қуйидаги қонуниятларидан қайсилари таълим сифатини таъминлашга хизмат қилади?*

1) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 2) таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси; 3) таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари; 4) аввалги босқич маҳсулдорлиги ва ҳозирги босқичда эришилган натижалар.

*1.5. Таълим мазмунини белгилашда қайси қонуниятларга амал қилиш лозим?*

1) таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари; 2) ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми; 3) ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати; 4) ўқувчиларнинг ёши имкониятлари; 4) таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва коррекция; 5) таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси.

## **2) таълимнинг хусусий қонуниятларига доир топшириқлар**

Қуйидаги фикрлар билан танишинг ва уларни таълимнинг қайси хусусий (ташкилий, социологик, психологик, кибернетик, гносеологик) қонуниятига тегишли эканлигини аниқланг:

I. Таълим натижалари ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўникмаларига; таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ҳажмига; билим ва кўникмаларни ўзлаштириш самарадорлиги уларнинг амалда қўлланилишига; ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши ўзаро алоқадор билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш ҳажмига тўғридан тўғри боғлиқ.

II. Таълим самарадорлиги ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишига; фикрлаш даражаси, кучи, жадаллиги ва ўзига ҳослигига; хотиранинг ривожланганлик даражасига; билиш фаоллиги даражасига бевосита боғлиқ.

III. Таълим самарадорлиги қайта алоқаларнинг тезлиги ва ҳажмига; билимларнинг сифати назоратнинг тўғри олиб борилишига; таълим сифати ўқув жараёнини бошқариш сифатига; бошқарувнинг самарадорлиги бошқарувга доир ахборотларнинг сони ва сифатига бевосита боғлиқ.

IV. Индивиднинг ривожланиши у бевосита ва билвосита мулоқотда бўладиган индивидларнинг ривожланишига; таълим самарадорлиги «интеллектуал муҳит»нинг мавжуд ҳолатига, ўзаро бир-бирига ўргатишнинг жадаллигига; ўқитувчи ва ўқувчилар мулоқотининг сифатига бевосита боғлиқ.

V. Таълим натижаси ўқувчининг ўқув меҳнатиغا, ўзининг ўқув мажбуриятларига муносабатига; ўқувчининг ишчанлик қобилиятига; ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини ошириш ўқув машғулоти жадвалининг тузилиши, унда жисмоний тарбия ва меҳнат машғулотларининг жойлаштирилишига бевосита боғлиқ.

## **5. Таълимнинг мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларини аниқлашга доир чалкаштирилган манتيқий занжирлар**

Қуйида келтирилган таълимнинг тамойиллари билан танишинг. Уларни мақсадига кўра икки тур (мазмунли ва ташкилий-методик)га ажратинг.

1. Инсонпарварлик. 2. Табиат билан уйғунлик. Кўргазмалилик. 3. Онглик, фаоллик, ижодийлик. 4. Маданият билан уйғунлик. 5. Тушунарлик. 6. Илмийлик. 7. Таълимнинг амалиёт билан уйғунлиги. 8. Изчиллик, тисимлик, кетма-кетлик. 9. Тар-

бияловчи таълим. 10. Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. 11. Оқилона талабчанлик билан таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш.

<i>Таълимнинг мазмунли тамоийллари</i>	<i>Таълимнинг ташкилий-методик тамоийллари</i>

## **6-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

#### **I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### ***Лаборатория машгулотининг тузилиши.***

1. «Таълим мазмуни» тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш.

2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғоялар мазмун-моҳиятини ёритиш.

3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганишга доир амалий топшириқларни бажариш.

4. Дарслик ва унинг вазифалари, унга қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув қўлланмаларининг турларини аниқлаштириш.

***Лаборатория машгулотининг мақсади:*** талабаларнинг таълим мазмуни, таълим мазмунини белгилаб замонавий ғояларга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

##### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. «Таълим мазмуни» тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувлар моҳиятини англаб олинишига эришиш.

2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларнинг ўзига хосликларини ажрата олишга ўргатиш.

3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг таълим мазмунини ёритишдаги аҳамиятини аниқлаштириш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. «Таълим мазмуни» тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувлар моҳиятини тушуниб олишади.

2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларни ўзлаштирадилар.



3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганадилар ҳамда улар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлишади.

4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг таълим мазмунини ёри-тишдаги аҳамияти ҳақида аниқ хулосаларга келишади.

## **II. Машғулот топшириклари (уй вазифаси учун):**

1. «Таълим мазмуни» тушунчасини ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008).

2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғоялар мазмун-моҳиятини ёритиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008).

3. ДТС, ўқув режаси, ўқув дастури ҳақидаги назарий маълумотларни ўрганиш ва конспект қилиш (Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (7-модда); Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008).

4. Дарслик ва унинг вазифалари, унга қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув қўлланмаларининг турларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 31-32; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.29-31; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование»,

2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008).

5. «Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг билим манбаи сифатидаги аҳамияти шундаки...» мавзусида асосланган эссе ёзиш.

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

- 1) мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг;
- 2) нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг;
- 3) мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

### **III. Талабаларни машғул�от бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл
2. Таълим мазмунини белгилаб берувчи меъёрий хужжатлар билан ишлаш – 2 балл
3. Мунозараларда иштирок этиш ва асосланган эссе тақдироти – 1 балл

### **IV. Машғул�отни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Нима учун ўзлаштириш зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ доирасини белгилаб олиш лозим?» мавзусида ақлий хужумни ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетликда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**2. Таълим мазмуни ва таълим мазмунини белгилашга доир ёндашувларни аниқлаштиришга доир блиц-сўров саволлари**

1. Таълим мазмуни деганда нима тушунилади?

2. Таълим мазмунини белгилашда экстенсив ёндашув деганда нимани тушунаси?

3. Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг таълим мазмунини белгилашдаги имкониятларини қандай баҳолайсиз?

4. Формал таълим назариясининг асосий ғояси нимадан иборат?

5. «Кўп билим ақл ўргата олмайди» иборасини қандай изоҳлаш мумкин?

6. Формал таълим назарияси тарафдорлари қандай фалсафий оқимга таянадилар?

7. Моддий таълим назариясининг асосида қандай ғоя ётади?

8. Моддий таълим назариясининг ривожланишига қандай омил туртки бўлди?

9. Қайси педагог олимлар формал ва моддий таълим назариясини бирлаштириш ғоясини илгари сурдилар?

10. Прагматик ёндашув асосини нима ташкил этади?

11. Уильям Килпатрик томонидан илгари сурилган «лойиҳалар методи»ни қандай баҳолайсиз?

**3. Таълим мазмунини белгилаб берувчи замонавий ғояларни ўзлаштиришга доир муқобилини танлаб олиш тести**

1. Таълим жараёнида ўқувчи шахсининг устувор ўрин тутиши, унинг шахси, хоҳиш-истак ва қизиқишларини ҳурмат қилиш, биринчи навбатда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақил ҳаётда ўз йўлларини топиб олишлари учун шароит яратишни кўзда тутати. А. Стандартлаштириш

2. Ўқув дастуридаги соатларга қўшимчалар киритиш, чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган тарзда ўқитиш. В. Амалийлаштириш

3. Бир-бирига яқин бўлган фанлар ва мавзуларни қўшиб ўқитиш, фанлар сонини камайтириш ва ихчамлаштириш. С. Инсонпарварлаштириш

4. Эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал даражасини аниқ белгилаш. Д. Табақалаштириш

5. Назарий билимларни пухта ўзлаш-тирган ҳолда уларни амалиётда фаол қўллай олишга тайёрлаш

Ж. Индивидуаллаштириш

6. Ўқувчиларнинг алоҳида ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш мазмунини белгилаш.

Е. Интеграциялаш

**4. Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатларни ўрганишга доир амалий тоншириқлар**

**1-топшириқ. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тармоқ стандартини қуйидаги чизма асосида таҳлил этинг**

<b>Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари TСтларининг тузилиши</b>	<b>Мазмуни</b>
1. Қўлланилиш соҳаси. 2. Меъёрий ҳужжатлар. 3. Стандартнинг мақсад ва вазифалари 4. Таърифлар 5. Касбий тавсифнома 6. Касб-ҳунар тайёргарлигининг мажбурий минимуми	

**2-топшириқ. Қуйидаги схема асосида ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари ўқув режасини таҳлил этинг**

*1. Ўқув жараёни жадвали бўйича:*

<b>Ўқув жараёнининг тузилиши</b>	<b>Ҳафталар сони</b>
Назарий ва амалий таълим	
Малакавий амалиётлар	
Битирув малакавий иши	
Жорий ва давлат аттестациялари	
Таътиллар	
Жами:	

2. Ўқув режасини ўрганишга доир:

№	Ўқув фанлари, интеграллашган курслар ва блокларнинг номлари	Умумий ўқув юклама	Жами	Назарий	Лаборатория	Амалий	Семинар	Курс иши	Мустақил таълим

3-топширик. Қуйидаги чизма асосида бирор бир фаннинг ўқув дастурини таҳлил этинг.

Тушунтириш хати (тузилиши ва мазмуни)	Асосий қисм (тузилиши ва мазмуни)	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (тузилиши ва мазмуни)

## 7-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. МАНВУ: ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

### I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари

#### *Лаборатория машгулотининг тузилиши.*

1. «Метод», «таълим методи», «усул», «қоида» тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириш.
2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштириш.
3. Таълим методларини ўзлаштиришга доир амалий топшириқларни бажариш.
4. Таълим воситаларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланишга доир амалий топшириқларни бажариш.

*Лаборатория машгулотининг мақсади:* талабаларнинг таълим методлари ва воситаларига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

#### *Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. «Метод», «таълим методи», «усул», «қоида» тушунчаларининг моҳиятини англаб олинишига эришиш.
2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўзига хосликларини ажрата олишга ўргатиш.
3. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.
4. Талабаларни таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни яратишга ўргатиш.

#### *Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. «Метод», «таълим методи», «усул», «қоида» тушунчаларининг моҳиятини тушуниб олишади.
2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўзлаштирадilar.
3. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишади.
4. Таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни яратишга ўрганадилар.

## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. «Метод», «таълим методи», «усул», «қоида» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 114-117; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.223; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008. – С.287-290; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008. – С.189-191).

2. Таълим методларини таснифлашга доир замонавий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 117-128; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008. – С.290-295; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008. – С.191-207.).

3. Таълимнинг оғзаки, кўргазмали, амалий методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 128-132; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.224-231; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008. – С.297-312).

4. Мутахассислик фани билан боғлиқликда кўргазмали восита тайёрлаб келиш.

Кўргазмали воситани тайёрлашга доир зарурий кўрсатмалар:

1) мутахассислик фани билан боғлиқликда бирор мавзунини танлаб олинг;

2) мавзу моҳияти билан боғлиқликда чизма, жадвал, расмни қўлда ёки компьютер графикаси ёрдамида тайёрланг;

3) кўргазмали воситани изохлашга доир тавсифнома ёзинг.

## **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл

2. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллашга доир амалий топшириқни бажариш – 2 балл

3. Кўргазмали воситани тайёрлаш ва тақдимот қилиш – 2 балл

#### IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар

##### 1. «Таълим методлари» мавзусида чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги

1. Сухбат. 2. Тушунтириш. 3. Маъруза. 4. Машқ. 5. Иллюстрация. 6. Демонстрация. 7. Дидактик ўйин. 8. Китоб билан ишлаш. 9. Видеометод. 10. Ҳикоя. 11. Амалий. 12. Лаборатория.

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

- 1) чалкаштирилган ҳолда берилган таълим методлари билан танишинг;
- 2) методларни жадвалда кўрсатилганидек, мос устунга ёзиб чиқинг.

Оғзаки	Кўргазмали	Амалий

##### 2. «Метод», «таълим методи», «усул», «қонда» тушунчаларининг моҳиятини ўзлаштиришга доир блиц-сўров саволлари

1. Метод деганда нима тушунилади?
2. Таълим методи тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин?
3. «Таълим методлари» ва «таълим усуллари» тушунчалари бир хил мазмунга эгами?
4. Таълим усуллари деганда нима тушунилади?
5. Таълим методларини қўллашда қандайдир кўрсатмаларга риоя этиш зарурми?
6. Таълим методларини қўллашга доир кўрсатмалар нима деб аталади?

##### 3. Таълим методлари таснифига доир тўлдирилмаган жадваллар

*Топшириқ: қуйидаги тўлдирилмаган жадваллар билан танишинг ва уларни тугалланг.*



1)

**Анъанавий (манбасига кўра) таълим методлари таснифи**

<b>Оғзаки</b>	<b>Кўргазмали</b>	<b>Амалий</b>	<b>Китоб билан ишлаш</b>	<b>Видеометод</b>

2)

**Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи**

<b>Таълим методининг номланиши</b>	<b>Ўқитувчи фаолияти</b>	<b>Ўқувчи фаолияти</b>

3)

**Таълимнинг бинар методлари**

<b>Ўргатиш методлари</b>	<b>Ўрганиш методлари</b>

4)

<b>Интерфаол методлар</b>		
<b>Ўрганилаётганларини ўзлаштиришга даъват қилиш методлари</b>	<b>Янги материални англаш методлари</b>	<b>Ўрганилганларини фикрлашга имкон берувчи методлар</b>

#### **4. Таълим методларини ўқув жараёнига қўллашга доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Мутахассислик фанингиз билан боғлиқликда қуйидаги методларни ҳар бирини қўллашга доир биттадан мисол ёзинг.*

1) суҳбат; 2) ўқув мунозараси; 3) машқ; 4) китоб билан ишлаш.

*2-топшириқ. Кичик гуруҳларга бўлининг ва оғзаки, кўргазмали, амалий методлардан бирини танлаб олиб, бирор мавзу мисолида методни амалиётда қўллаб кўрсатинг.*

**8-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ДАРС – ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ**  
**АСОСИЙ ШАКЛИ**

**I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

***Лаборатория машғулотининг тузилиши.***

1. Дарс ва унга қўйиладиган умумий, дидактик, психологик ҳамда методик талабларни аниқлаштириш.
2. Дарснинг турлари ва тузилишини ўзлаштириш.
3. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларига доир амалий топшириқларни бажариш.
4. Бир соатлик дарс ишланмасини тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг дарс ва унинг ўзига хосликларига доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда дарсни ташкил этиш ва ўтказишга доир кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Дарс ва унга қўйиладиган талабларнинг ўзлаштирилишига эришиш.
2. Дарснинг турларини фарқлай олиш ва уларнинг тузилишидаги ўзига хосликларни ажрата олишга ўргатиш.
3. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларини ташкил этишга доир кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.
4. Талабаларни дарсни лойиҳалаш ва режалаштиришга ўргатиш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Дарс ва унга қўйиладиган талабларни билиб олишади.
2. Дарснинг турлари (аралаш, янги билимларни баён қилиш, ўрганилганларини мустаҳкамлаш ва такрорлаш, ўқувчиларнинг БКМларини назорат қилиш)ни фарқлайдилар ҳамда уларнинг тузилишини ўрганадилар.
3. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларини ташкил этишга доир кўникма ва малакаларига эга бўлишади.
4. Дарсни лойиҳалаш ва режалаштиришни ўзлаштирадилар.

## II. Машгулот топшириқлари (уй вазифаси учун)

1. Дарс ва унга қўйиладиган умумий, дидактик, психологик ҳамда методик талабларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 152-154; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.234-238; Подласый И.П. Педагогика. – М: «Высшее образование», 2008. – С.333-337).

2. Дарснинг турлари ва тузилишини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 152-154; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.234-238; Подласый И.П. Педагогика. – М: «Высшее образование», 2008. – С.333-337).

3. Ноанъанавий дарс турлари билан танишиш ва уларнинг анъанавий дарсдан фарқли жиҳатларини аниқлаш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. –Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. –Б. 152-154; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.234-238; Подласый И.П. Педагогика. – М: «Высшее образование», 2008. – С.333-337).

4. Бир соатлик дарс ишланмасини тайёрлаш. Бир соатлик дарс ишланмасини тайёрлашда қуйидаги чизмага асосланинг.

<b>Мавзу</b>	
<b>Мақсад:</b> а) таълимий б) тарбиявий в) ривожлантирувчи	
<b>Вазифалар</b>	
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	
<b>Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси</b>	Метод: Шакл: Восита: Усул: Назорат: Баҳолаш:
<b>Қўйиладиган натижалар</b>	Ўқитувчи: Ўқувчи:

### **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл
2. Анъанавий ва ноанъанавий дарс турларини ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш – 2 балл
3. Бир соатлик дарс ишланмасини тузиш – 1 балл

### **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Севимли ўқитувчимнинг дарси қизиқарли бўлишининг сабаби шундаки...» мавзусида асосланган эссе**

**Топшириқни бажариш тартиби:**

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

**2. Дарс ва унга қўйиладиган талабларнинг ўзлаштирилишига доир ижодий тест топшириғи**

*1. Керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

... бевосита ўқитувчи раҳбарлигида аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

*2. Гапни давом эттиринг.*

Дарс таълимнинг бошқа шаклларида фарқ қилувчи қуйидаги ўзига хос белгиларга эга: ...

*3. Гапни тугалланг.*

Дарсга қўйиладиган дидактик (ёки таълим)ий талабларга ҳар бир дарснинг таълим вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш энг янги технологияларини киритиш, турли хилдаги шакли, методлари ва кўринишларидан мос равишда фойдаланиш ...

*4. Керакли сўзни топиб қўйинг.*

Ўқув материалнинг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, дарсдаги фаолият, аниқ эришилиши мумкин бўлган тарбиявий мақсадларни шакллантириш ва қўйиш, фақат ўқув ишлари мақсадлари ва мазмунидан табиий равишда келиб чиқадиган тарбиявий масалаларни белгилаш, ўқувчиларни умуминсоний қадриятларда тарбиялаш, ҳаётий муҳим сифатлар (тиришқоқлик,

тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, иш бажаришга қобилиятлилик, эътиборлилик, ҳалоллик ва бошқаларни шакллантириш қабиларнинг дарсга қўйиладиган ... талабларни ўзида акс эттиради.

#### *5. Гапни давом эттиринг.*

Дарсга қўйиладиган ривожлантирувчи талабларга ўқувчиларда ўқув-ўрганиш фаолияти ижобий сифатлари, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаоллик шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ўқувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, «ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш», «ўзиб кетиш» даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш ... .

### **3. «Чалкашликни аниқланг» дидактик ўйини**

#### **Ўйинни ўтказиш тартиби:**

1. Ўқитувчи доскага ёки проектор орқали дарс турларидан бирининг тузилишини ёзади. Дарснинг тузилиш ўрнини алмаштириш ёки бошқа дарс турига хос белгини ёзиш орқали чалкашликка йўл қўяди.

2. Талабалар дарс тури билан танишадилар ва унинг тузилишида йўл қўйилган хатоликни топадилар.

1) аралаш дарс:

- а) ташкилий қисм;
- б) ўрганилганларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш;
- в) ўқувчиларни баҳолаш;
- г) янги мавзунини баён қилиш;
- д) уй вазифаси.

2) янги билимларни баён қилиш дарси:

- а) янги мавзунини баён қилиш;
- б) ўрганилганларини мустаҳкамлаш;
- в) ўқувчиларни баҳолаш;
- г) уй вазифаси.

3) ўрганларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси:

- а) ташкилий қисм;
- б) ўқувчиларни баҳолаш;
- в) уй вазифаси.

4) ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш дарси:

- а) ташкилий қисм;

- б) ўрганилганларини такрорлаш;
- в) ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолаш;
- г) уй вазифаси.

**4. Кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган анъанавий ва ностандарт дарс турларини ташкил этишга доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш асосида аралаш дарсни кўрсатиб бериш.*

1-гуруҳ дарснинг ташкилий қисми ва ўтилган мавзунини такрорлашни кўрсатиб беради;

2-гуруҳ: янги ўқув материални баён қилиш тартибини тушунтириб беради;

3-гуруҳ: ўрганилганини мустақамлаш, ўқувчиларни баҳолаш ва уй вазифаси беришни амалга оширади.

Мазкур топшириқни бажаришда ўқитувчи зиг-заг методига асосланади. Яъни, ҳар бир кичик гуруҳ ўзига берилган топшириқни бажариб бўлгач, бир-бирлари билан ўзаро алмашинув асосида ўтказиладиган дарс ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилинади. Талабаларда ўтказиладиган дарс ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлгач, кичик гуруҳлар навбати билан ўзларига берилган вазифаларнинг тақдиротини ўтказишади.

Топшириқни бажариш олдида гуруҳ билан келишилган ҳолда, мутахассислик билан боғлиқ бирор мавзунини танлаб олиш мақсадга мувофиқ.

*2-топшириқ. Кичик гуруҳларда ностандарт дарслардан лавҳа кўрсатиш.*

1-гуруҳ учун: конференция дарсини ўтказилишини кўрсатиб бериш.

2-гуруҳ учун: мусобақа туридаги дарсни ташкил этиш.

3-гуруҳ учун: ўйин типидagi дарсни намойиш этиш.

**9-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА ВА**  
**МАЛАКАЛАРИНИ ТАШХИС ЭТИШИ**

**I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва**  
**ўқув фаолияти натижалари**

*Лаборатория машғулотининг тузилиши.*

1. Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштириш.
2. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ўрганиш.
4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга доир муаммоли вазиятларни ҳал этиш.

*Лаборатория машғулотининг мақсади:* талабаларнинг таълим олганликни ташхис этишга доир назарий билимларини мустақкамлаш ҳамда уларни ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини тўғри баҳолашга ўргатиш.

*Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштирилишига эришиш.
2. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини фарқлай олишга ўргатиш.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга ўргатиш.
4. Талабаларда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

*Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳиятини билиб оладилар.
2. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини ўзлаштирадилар.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ўрганадилар.
4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар.



## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳиятини ўрганиш ва унинг таркибий қисмларини аниқлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 159-161; Подласый И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн 1. – М.: «ВЛАДОС», 1998).

2. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини ўрганиш ва тизимлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 159-161; Подласый И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн 1. – М.: «ВЛАДОС», 1998).

3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 159-161; Подласый И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн 1. – М.: «ВЛАДОС», 1998).

## **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл
2. Савол-жавобларда иштирок этиш ва амалий топшириқларни бажариш – 2 балл
3. Муаммоли вазиятларни ечиш – 1 балл

## **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Ўқитувчимиз бизни қандай баҳолар эди?» мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: «Ўқитувчимиз бизни қандай баҳолар эди?» мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт тугаганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

**2. Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштирилишига доир блиц-сўров саволлари**

1. Дидактик жараёнда ташхис деганда нима тушунилади?

2. Таълим олганликни ташхис этишнинг ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини анъанавий текшириш ва баҳолашдан фарқи нимада?

3. Ташхис этиш жараёнининг таркибий қисмларига нималар қиради?

4. Назорат деб нимага айтилади?

5. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш, ўлчаш, баҳолаш нима деб аталади?

6. Текшириш деганда нима тушунилади?

7. Аниқлаш ва ўлчаш нима деб аталади?

8. Текширишнинг қандай бўғинлари (звенolari) мавжуд?

9. Баҳолаш деб нимага айтилади?

10. Баҳо деб нимага айтилади?

11. Ўқув фаолиятини ҳисобга олиш деганда нима тушунилади?

**3. «Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш турлари, шакл ва методлари» мавзусидаги чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги**

1) оғзаки; 2) тест; 3) уй вазифаси; 4) оммавий; 5) ўз-ўзини назорат қилиш; 6) ёзма; 7) индивидуал; 8) амалий; 9) жорий; 10) аралаш; 11) оралик; 12) гуруҳли; 13) якуний

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

3) чалкаштирилган ҳолда берилган таълим методлари билан танишинг;

4) методларни жадвалда кўрсатилганидек, мос устунга ёзиб чиқинг.

Назорат турлари	Назорат шакллари	Назорат методлари

#### 4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга доир амалий топшириқлар

Қуйидаги масалалар билан танишинг ва уларнинг ечимини топинг.

**1-масала.** Талаба «Педагогиканинг асосий категориялари» ҳақида гапираяпти. Асосий категорияларни санади, лекин уларни тўлиқ айтиб бера олмаяпти. Ўқитувчининг ёрдамчи саволларига эҳтиёж сезди. Ўқитувчининг саволлари ёрдамида хатоларни тўғрилай олди. Унга неччи баҳо қўйиш мумкин?

**2-масала.** Талабадан ўз ёзма ишида метод ва усул тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш сўралди. Талаба ўз ёзма ишида метод ва усул тушунчаларига тўғри таъриф берган. Қуйидагича мисол келтирган: «маъруза – бу метод. Мавзуни аниқлаш режасини тузиш, уларни баён этиш, умумлаштириб хулосалаш эса усуллари бўла олади». Талабанинг ёзма ишини баҳоланг.

**3-масала.** Талаба озгаки методларни санаб бера олди. Лекин уларнинг моҳиятини очиб бера олмади. Бироқ ҳар бирига мисол келтира олди. Унга қандай баҳо қўйса бўлади?

**4-масала.** Талаба педагогика фанидан семинарни тўлиқ ва тўғри ёзиб келган. Лекин ўқитувчи савол берганида дафтардан жавобни ўқиб бераяпти. Унга «4» балл қўйса бўладими?

**5-масала.** Мутахассислик фанидан бирор мавзунини танлаб олинг ҳамда мазкур мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

#### 5. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга доир муаммоли вазиятлар

Қуйидаги муаммоли вазиятлар билан танишинг ва уларнинг ечимини топинг.

**1-муаммоли вазият.** Сиз ишлайдиган коллеждаги бир нечта ўқувчига ўзингиз ўтаётган фандан 1-семестр бўйича баҳо қўймадингиз. Бироқ ўқув йили якунида журналда мазкур ўқувчиларга баҳо қўйилганининг гувоҳи бўлдингиз. Сиз ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига учрашдингиз. Ўқув ишлари бўйича

директор ўринбосари уларга баҳони гуруҳ раҳбари қўйиб юборганини айтди. Мазкур вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

**2-муаммоли вазият.** География дарсига ҳар доим тайёр бўлиб келадиган Суннатни ўқитувчи доскага чақирди. Бироқ у тайёр эмаслигини айтди. Ўқитувчи унга икки баҳо қўйди. Суннат индамасдан жойига ўтирди. Суннатнинг уч кун олдин бувиси вафот этган эди, шунинг учун у дарсга тайёрлана олмаган эди. Сиз сабабини билган ва билмаган ҳолатда тутишингиз мумкин бўлган вазиятни шарҳланг.

**3-муаммоли вазият.** Сергели туманидаги 268-мактабнинг биология фани ўқитувчиси «Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари» бўлганлиги учун дарсларни ҳам вақтида ўта олмас эди. Дарсларни ўтган вақтида ҳам ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиб бормасди. Ўқув йилнинг биринчи чораги тугаб, ўқувчилар таътилга чиқишганида ўқитувчи уларнинг чораклик баҳоларини қўйиб қўйганди. II чорак бошлангач ўқувчилар синф раҳбарларидан биология фанидан қўйилган баҳоларни эшитиб ҳайратланиб қолишди. Чунки баҳолар ўқувчилар томонидан олинмаган эди.

1. Ўқитувчи тўғри иш қилган деб ўйлайсизми?
2. Ўқитувчи таълим олганликни ташхислашнинг қайси тамойилларини бузган?
3. Ўқитувчининг ўқувчиларни ўқув фаолиятини бундай назорат қилиши уларнинг билим олишларига салбий таъсир кўрсатадими?

**10-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ ШАХСНИ**  
**ШАКЛЛАНТИРИШ – МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ БОШ**  
**МАҚСАДИ**

**I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

*Лаборатория машғулотининг тузилиши.*

1. Тарбия жараёни, унинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.
2. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва уларнинг моҳиятини ўзлаштириш.
3. Президент Ислом Каримов асарларида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш масаласининг акс этишини ўрганиш ва таҳлил этиш.
4. Тарбия жараёнига технологик ёндашувни татбиқ этишнинг афзалликлари ва аҳамиятини баҳолаш.

*Лаборатория машғулотининг мақсади:* талабаларнинг тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда тарбия жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

*Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. Тарбия жараёни, унинг мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш.
2. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва уларнинг моҳиятини очиб бериш.
3. Президент Ислом Каримовнинг ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришга доир фикрлари – миллий тарбиянинг методологик асоси эканлигини асослаш.
4. Талабаларни тарбия жараёнини лойиҳалаш ва режалаштиришга ўргатиш.

*Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. Тарбия жараёни, унинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.
2. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва уларнинг моҳиятини билиб оладилар.

3. Президент Ислом Каримов асарларидаги ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришга доир фикрларни ўзлаштирадидлар.

4. Тарбия жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларига эга бўладидлар.

## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Тарбия жараёни, унинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va technology» нашриёти, 2008; Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008).

2. Юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва уларнинг моҳиятини ўзлаштириш (Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 2002; Нишонова С. Маънавият дарслари. – Т.: «Ўқитувчи», 1994; Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати // тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: «Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2010; Маврулов А. Маънавия баркамол инсон тарбияси. – Т.: «O‘zbekiston», 2008).

3. Президент Ислом Каримов асарларида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш масаласининг ақс этишини ўрганиш ва консепт қилиш (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992; Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996; Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: «Ўзбекистон», 1996; Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2000; Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008).

4. Тарбия жараёнига технологик ёндашувни татбиқ этишнинг ўзига хосликларини ўрганиш (Ишмухаммедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. – Т., 2010; Кукушин В.С. Теория и методика воспитательной работы. – Ростов-на-Дону: Март, 2002; Подласый Т.П. Педагогика. – М.: «Высшее

образование», 2008; Педагогика / под.ред. П.И.Пидкасистого. – М.: «Высшее образование», 2008).

### **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл
2. Савол-жавобларда иштирок этиш ва топшириқларни бажариш – 2 балл
3. Кейс топшириғини бажариш – 1 балл

### **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Тарбия жараёнида ҳамма вақт кўзланган мақсадга эришиш мумкинми?» мавзусида ақлий ҳужумни ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетликда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**2. Тарбия жараёни, унинг мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига доир блиц-сўров саволлари**

1. Тарбия деганда нима тушунилади?
2. Тарбиянинг тор ва кенг маънолардаги ифодасини изоҳланг.
3. Тарбия жараёни деб нимага айтилади?
4. Тарбиядан кўзланган мақсад нима?
5. Тарбиянинг умумий вазифаларига нималар қиради?
6. Тарбия мазмуни деганда нимани тушунасиз?
7. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

**3. Инсерт методи асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни белгилаш**

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма.

Куйида берилган маънавий-ахлоқий фазилатлар билан танишинг. Инсерт белгилари асосида улар орасидан юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни белгилаб олинг:

«+»– юксак маънавий-ахлоқий фазилатга тегишли эканликни;  
«-» – тегишли эмасликни;  
«?» – аниқ тасаввурга эга эмасликни ифода этади.

#### **Маънавий-ахлоқий фазилатлар мажмуи.**

1. Инсонпарварлик. 2. Олийжаноблик. 3. Сахийлик. 4. Рост-гўйлик. 5. Масъулиятлилик. 6. Тартиблилик. 7. Озодалик. 8. Ҳалимлик. 9. Меҳнат-севарлик. 10. Меҳрибонлик. 11. Ҳамдардлик. 12. Очиқкўнгиллилик. 13. Меҳмондўстлик. 14. Ҳалоллик. 15. Мағрурлик. 16. Дўстлик. 17. Сабрлилик. 18. Қаноатлилик. 19. Хушчақчақлик. 20. Хушмуомалилик. 21. Орасталик. 22. Иболи бўлиш. 24. Камтарлик. 25. Камсукумлилик. 26. Адолатпарварлик; 27. Иқдорлик. 28. Толерантлик. 29. Оқиллик. 30. Одиллик.

#### **4. «Тугалланмаган гаплар методикаси» асосида Президент Ислоҳ Каримов асарларидаги ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришга доир фикрларни ўзлаштириш**

Топшириқ. Президент Ислоҳ Каримов асарларидан келтирилган қуйидаги фикрларни тугалланг:

1. Тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини... (Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.34.)

2. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина ... (Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.81.)

3. Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг икки дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган ... (Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 19-20).

4. Виждони уйғок одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга ... (Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.27-28).

5. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки ...




(Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.30.)

### 5. Тарбия жараёнини лойихалаш ва режалаштиришга доир кейс топшириғи


Қуйидаги чизмаларга этибор қаратинг. Уларнинг остида берилган жумлаларни чизмада шундай жойлаштирингки, натижада тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида ташкил этиш модели пайдо бўлсин.

1-чизма. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш технологияси.



1) мақсад; 2) жараёни лойихалаш; 3) жараёни амалга ошириш; 4) жараёни назорат қилиш ва таҳлил этиш; 5) тарбиячи; 6) натижа.

2-чизма. Тарбия технологиясининг функционал тузилмаси



1) мақсад; 2) лойихалаштириш блоки; 3) ижро блоки; 4) тарбия жараёни; 5) баҳолаш – таҳлил қилиш блоки; 6) тўсиқлар; 7) ташқи шарт-шароитлар.

**11-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ЖАМОАНИНГ ШАХС ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ.**  
**ГУРУҲ РАҲБАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШИ**

**I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

***Лаборатория машгулотининг тузилиши.***

1. Жамоа ва унинг ўзига хосликларини аниқлаштириш.
2. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари ва босқичларини ўзлаштириш.
3. Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш шаклларини ўрганиш.
4. Гуруҳ раҳбарининг ҳафталик ва йиллик иш режалари билан танишиш ва бирор йўналиш бўйича мустақил иш режа тузиш.

***Лаборатория машгулотининг мақсади:*** талабаларнинг ўқувчилар жамоаси ва унга раҳбарлик қилишга доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда ўқувчилар жамоасини ташкил этиш ва бошқариш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Жамоа ва унинг ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатиш.
2. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари ва босқичларини аниқлаштириш.
3. Талабалар томонидан гуруҳ раҳбарининг функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш шаклларининг ўзлаштирилишига эришиш.
4. Гуруҳ раҳбарининг иш режасини тузиш ва уни амалга ошириш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Жамоа ва унинг ўзига хос белгиларини билиб оладилар.
2. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари ва босқичларини ўзлаштирадилар.
3. Гуруҳ раҳбарининг функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш шаклларини ўрганадилар.
4. Гуруҳ раҳбарининг иш режасини тузиш ва уни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.

## II. Машгулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Жамоа ва унинг ўзига хосликларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 187-190; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.116-117; Подласый И.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.63-66; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.191-196).

2. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари ва босқичларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 190-198; Подласый И.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.67-72; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.196-205).

3. Гуруҳ раҳбарининг тарбиявий функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш шаклларини ўрганиш ( Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.83-87; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.225-230; Ғозиев З. Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш. – Т., 1997. – Б.20-49).

4. Гуруҳ раҳбарининг ҳафталик ва йиллик иш режалари билан танишиш ҳамда тахминий иш режа тузиш (Ғозиев З. Синф раҳбари ишини ташкил этиш ва режалаштириш. – Т., 1997. – Б.20-49. Мирхайтова С. Амалий педагогика. – Қўқон, 2008. – Б.37-38).

Гуруҳ раҳбарининг ҳафталик ва йиллик иш режаларини тузишда куйидаги чизмага асосланинг.

### Ҳафталик иш режа намунаси

Кунлар ёки сана	Режалаштирилган ишлар мазмуни	Изоҳ	Кунлар ёки сана	Режалаштирилган ишлар мазмуни	Изоҳ
Душанба (сана)			Пайшанба (сана)		
Сешанба (сана)			Жума (сана)		
Чоршанба (сана)			Шанба (сана)		

### Йиллик иш режа намунаси

Т/р №	Иш йўналишлари ва мазмуни	Муддати	Масъуллар	Ўтказилиш жойи	Изоҳ

Тарбиявий ишлар режасида ёритиладиган ишлар мазмуни куйидаги йўналишлар асосида бўлиши мумкин.

I. Президент И.А.Каримовнинг нутқ ва асарларини ўрганиш.  
 II. Миллий мафкура тарбияси. III. Ғоявий-сиёсий тарбия масалалари. IV. Маънавий-ахлоқий тарбия. V. Ҳуқуқий тарбия. VI. Иқтисодий ва экологик тарбия. VII. Жисмоний ва эстетик тарбия. VIII. Гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш. IX. Миллий байрамлар ва тарихий саналарни нишонлаш. X. Оила ва маҳалла ҳамкорлиги.

#### III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 2 балл
2. Гуруҳ раҳбарининг функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш шаклларининг ўзлаштирилишига доир амалий топшириқларни бажариш. – 2 балл
3. Гуруҳ раҳбарининг ҳафталик ва йиллик иш режаларини тузиш. – 1 балл

#### IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар

**1. «Ҳар қандай гуруҳ жамоа бўла оладими?» мавзусида мунозарани ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи мунозара учун саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**2. Жамоа ва унинг ўзига хос белгиларини ўзлаштирилишига доир блиц-сўров саволлари**

1. Жамоа деганда нима тушунилади?
2. Жамоанинг ўзига хос белгилари нималардан иборат?
3. Ижтимоий аҳамиятга эга ягона мақсад деганда нима тушунилади?
4. Жамоанинг биргаликдаги умумий фаолияти нималарда акс этади?
5. Ўқувчилар жамоасининг мажбурий масъулиятли муносабатини йўлга қўйиш нима учун зарур?
6. Жамоанинг расмий ва норасмий тузилишидаги фарқлар нимада намоён бўлади?

**3. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари ва босқичларини аниқлаштиришга доир тоифалаш жадвали**

Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари	Ўқувчилар жамоасини шакллантириш даражалари мазмуни	Ўқувчилар жамоасини шакллантириш босқичлари	Ўқувчилар жамоасини шакллантириш босқичлари мазмуни

**4. Гуруҳ раҳбарининг функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш шаклларига доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Қуйида келтирилган фикрлар билан танишинг ва уларни мазмунан гуруҳ раҳбарининг қайси функциясини ифода этишини аниқланг.*

1) худудий, микромуҳит, таълим муассасаси, ўқувчиларнинг ўзларини ривожлантириш билан боғлиқ улардаги ижобий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш;

2) ўқувчилар тарбиясидаги мавжуд ҳолат ва доимий ўзгаришларни аниқлаб бориш, тарбияланувчи шахси ҳамда индивидуал ривожланишини тадқиқ ва таҳлил этиш, самарали натижаларга эришилмаётганлигининг сабабларини излаш;

3) ўқувчилар билан биргаликда тарбиявий фаолиятга доир мақсадларни аниқлаштириш, гуруҳ раҳбарининг бурчи ўқувчиларнинг ёши ва гуруҳ жамоасининг шаклланганлик даражасини ҳисобга олиш;

4) ўз-ўзининг ва гуруҳ жамоаси фаолиятини оқилона ташкил этишга ёрдам бериш, педагогик фаолиятнинг кетма-кетлигини

белгилаш, педагогик жараённинг кетма-кетлиги, изчиллиги, тизимлилигини таъминлаш;

5) тарбияланувчиларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўғри ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий вазиятга муваффақиятли мослашувини таъминлаш.

*2-топириқ. Қуйида келтирилган муаммоли педагогик масалалар билан танишинг ва уларнинг ечимини топинг.*

1-масала. Гуруҳни бир неча йил давомида сайланган қатъий фаоллар бошқариб, бошқа аъзолар уларга бўйсуниб келишди. Кейинчалик эса, улар бу ҳолатга қарши чиқа бошлашди. Янги гуруҳ раҳбари аввалги ўқитувчининг хатосини тўғрилаш мақсадида қатъий чора кўрди. Гуруҳда қатъий сайлов ўтказилиб, аввалги фаоллар ўрнига ўқувчилар орасидан янги фаоллар сайланди. Лекин орадан бир оз вақт ўтиб, сайлов ўзини окламаганлигини кўрсатди. Янги сайланган фаолларнинг бир қисми ўз вазифаларини бажаришдан бош тортишса, иккинчи қисми куч билан тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишди. Гуруҳда янги норасмий гуруҳлар ташкил топиб, бефарқ, масъулиятсиз ўқувчилар сони икки баробар ортди.

*Синф раҳбари қандай хатога йўл қўйди? Мазкур вазиятда қандай йўл тутиши керак эди? Қандай йўл билан фаолнинг жамоани жипслаштиришига эришиши мумкин?*

2-масала. Гуруҳ раҳбари социометрия методини қўллаш орқали гуруҳдаги камсукум Азиза гуруҳ сардори Дилдордан кўра катта обрўга эга эканлигини аниқлади.

*Ўтказилган сўров натижаларига кўра, Дилдора гуруҳ сардори сифатида нотўғри сайланган, уни Азиза билан алмаштириши керак, деган хулосага келиш мумкинми? Гуруҳ раҳбари мазкур вазиятда қандай йўл тутиши керак?*

3-масала. Ёш ўқитувчини IX синфга раҳбар этиб тайинлашди. Бу синф анча мураккаб бўлган ва яқинда қайта тузилган эди. Ана шу сабабли синф жамоа бўлиб уюшмаган, ўқувчилар тарқоқ эди. Синф раҳбари уларни синф ва мактаб ишларини бажаришга чорлаш билан уюштиришга ҳаракат қилди. Бунга кузги экскурсия ҳам ёрдам берди. Бу ўқитувчига ҳар бир боланинг қизиқиши ва имкониятини билишга шароит яратди. Синфда ўтказилган ҳар бир тадбир ўзаро соғлом муносабатни ўрнатишга, юқори синф ўқувчиларининг жамоадан талабларини кондиришга қаратилган эди. Синф ўқувчиларидан бири ўз иншосида шундай ёзди: «Мен

синфга фақат ўқиш учун бормаيمان. Бу ерда менинг диомо ёрдамга тайёр дўстларим бор. Илгари менинг фақат кўчада дўстларим бор эди. Улар билан жуда мазмунсиз ҳаёт кечирган эканман. Мени ундай ҳаётдан синфим олиб чиқди. Мен гузалликни қадрлашга, одамларни севишга, уларнинг меҳрини қозонишга, ўз хатти-ҳаракатларим учун жавоб беришга ўргандим. Мен синфимга бирор зарар етказишдан хавотирланаман».

*Ёш синф раҳбари фаолиятини таҳлил этинг. Анча жиддий эътиборни талаб этадиган синфда ижобий натижаларга эришишга нима ёрдам берди деб ҳисоблайсиз?*

*3-топириқ. Қуйида келтирилган фикрларни ўқинг ва уларни икки – гуруҳ раҳбарининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тарзида туркумланг.*

1. Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва психик ривожланиши ҳақида маълумотлар олиш.
2. Мураккаб муаммоларни ҳал этишда ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш.
3. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат қилиш.
4. Ўқувчиларнинг ўқув машгулотларига қатнашишини назорат қилиш.
5. Ўқувчиларнинг шахсий салоҳиятининг ривожланиши учун синфда мақбул таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.
6. Мазкур гуруҳда дарс берадиган ўқитувчилар ишини мувофиқлаштириш.
7. Мактаб жамоасидан зарур педагогик ёрдам олиш.
8. Ота-оналар билан алоқа ўрнатиш ва уларга тарбиявий ишда ёрдам бериш.
9. Болалар билан индивидуал ишлаш тартибини аниқлаштириш.
10. «Кичик педкенгаш», педагогик консилиум, мавзули ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали гуруҳ ўқувчилари билан тарбиявий ишларни ташкил этиш.

Гуруҳ раҳбарининг ҳуқуқлари	Гуруҳ раҳбарининг мажбуриятлари

## **12-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАВЗУ: ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ**

#### **I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### *Лаборатория машғулотининг тузилиши.*

1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлаш ҳамда тарбия методлари таснифини ўзлаштириш.

2. Шахс онгини шакллантириш методларига доир амалий топшириқларни бажариш.

3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларига доир амалий топшириқларни бажариш.

4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларига доир амалий топшириқларни бажариш.

*Лаборатория машғулотининг мақсади:* талабаларнинг тарбиянинг умумий методларига доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда тарбиявий жараёнда тарбия методларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

##### *Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлай олишга ўргатиш ҳамда тарбия методлари таснифининг ўзлаштирилишига эришиш.

2. Шахс онгини шакллантириш методларини амалиётда қўллай олиш тажрибасини ҳосил қилиш.

3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш.

4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларини тўғри қўллаш маҳоратини таркиб топтириш.

*Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчаларини фарқлайдилар ҳамда тарбия методлари таснифини ўзлаштирадилар.

2. Шахс онгини шакллантириш методларини амалиётда қўллаш тажрибасига эга бўлишади.

3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгалладилар.

4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларини тўғри қўллашга ўрганадилар.



## **II. Mashg'ulot topshiriqlari (uy vazifasi uchun):**

1. Tarbiya metodlari, usullari va vositalari tushunchalarini hamda tarbiya metodlari tasnifini uzlashtirish (Pedagogika // M.X.Toхтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 199-200; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.105; Куронов М. Миллий тарбия. – Т.: «Фан», 2007; Подласый Т.П.Педагогика. Кн.2. –М: «ВЛАДОС», 2003. –С.94-105).

2. Шахс онгини шакллантириш методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 201-203; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.107-108; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: «ВЛАДОС», 2003. – С.105-114).

3. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 204-205; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.109-110; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: «ВЛАДОС», 2003. – С.116-124).

4. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларини ўрганиш ва конспект қилиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 205-207; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.110-113; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.125-134).

## **III. Талабаларни машг'улот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш – 2 балл
2. Tarbiya metodlariga doir amaliy topshiriqlarni bajariش – 3 балл

#### **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Бизга тарбиявий таъсир кўрсатишда ота-оналаримиз ва ўқитувчиларимиз қандай йўллардан фойдаланишган?» мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: «Бизга тарбиявий таъсир кўрсатишда ота-оналаримиз ва ўқитувчиларимиз қандай йўллардан фойдаланишган?» мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт тугаганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

**2. Тарбия методлари, усуллари ва воситалари тушунчалари ҳамда тарбия методлари таснифига доир блиц-сўров саволлари**

1. Тарбия методлари деганда нима тушунилади?

2. «Тарбия усуллари» тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин?

3. Тарбия воситалари деганда нимани тушунаси?

4. Тарбия воситаларига нималар киради?

5. Тарбия методларини танлаб олиш шартлари нималардан иборат?

6. Н.И.Болдырев, Н.К.Гончаров, Ф.Ф.Королев тарбия методларини қандай гуруҳларга тасниф этишган?

7. И.С.Марьенко тарбия методларини қандай гуруҳларга тасниф этишни таклиф этган?

8. М.Куронов миллий тарбия методларининг қандай турларини тасниф этган?

9. Тарбияланувчиларга таъсир этиш натижаларига кўра тарбия методларини қандай гуруҳларга тасниф этиш мумкин?

10. Г.И.Щукина томонидан тасниф этилган тарбия методларининг уч гуруҳи қайси методларни ўз ичига олади?

### 3. Шахс онгини шакллантиришга доир амалий топшириқлар

*1-топшириқ. Қуйида келтирилган тушунчалардан қайсилари шахс онгини шакллантириш методларини ўзида ифода этади?*

1) педагог обрўси; 2) этик суҳбат; 3) ҳикоя; 4) маъруза; 5) ижтимоий фикр; 6) жазолаш; 7) мусобака; 8) очиклик; 9) изоҳлаш; 10) тушунтириш; 11) ўғит; 12) насиҳат; 13) топширик; 14) кўрсатма бериш; 15) намуна; 16) адолатлилик; 17) нотация; 18) назорат; 19) мунозара; 20) нутқ сўзлаш.

*2-топшириқ. Қуйида кўрсатилган талаблардан қайсилари этик суҳбат, изоҳлаш ва ўғит учун тегишли эканлигини аниқланг.*

1) тарбияланувчи тажрибасига мувофик бўлиши; 2) иллюстрация; 3) тарбиячининг маҳорати; 4) тарбиячи обрўси; 5) тингловчиларнинг ҳайратланиши; 6) насиҳат қилиш; 7) ўз вақтида амалга ошириш.

*3-топшириқ. Қуйидаги жадални тўлдилинг. Этик суҳбат ва мунозара учун тегишли бўлган талабларни белгиланг.*

Талаблар	Этик суҳбат	Мунозара
1. Режанинг мавжуд бўлиши.....		
2. Мавзунинг номи.....		
3. Муаммонинг мавжуд бўлиши.....		
4. Сценарийнинг мавжуд бўлиши.....		
5. Ўқувчиларнинг ривожланиш даражасига мувофиқлиги.....		
6. Эмоционал тажрибага мувофиқлиги.....		
7. Барча нуктаи назарларни таққослаш.....		
8. Ўқувчиларнинг ўзлари томонидан вазиятларнинг яратилиши.....		
9. Фикрлар ҳужуми.....		
10. Хулосаларнинг аниқлиги.....		
11. Алоҳида тайёргарлик кўриш.....		
12. Аудиториянинг билимини ҳисобга олиш...		
13. Педагогнинг маҳорати.....		
14. Ишончли бошқарув.....		
15. Ишонарлилик.....		

*4-топшириқ. Кичик гуруҳларга бўлининг ва шахс онгини шакллантириш методидан бирини қўллаш тартибини кўрсатиб беринг.*

- 1-гуруҳ учун: тушунтириш методи;
- 2-гуруҳ учун: намуна кўрсатиш методи;
- 3-гуруҳ учун: ҳикоя методи.

**4. Шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил этиш методларига доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Қўйидаги методлар орасидан шахснинг хулқ-атвори ва фаолиятини ташкил қилиш методларини ажратиб кўрсатинг.*

- 1) маъруза; 2) суҳбат; 3) машқ; 4) мунозара; 5) педагогик талаб; 6) ўргатиш; 7) рағбатлаш; 8) насиҳат; 9) изоҳлаш; 10) намуна; 11) топшириқ; 12) ижтимоий фикр; 13) мунозара; 14) тарбияловчи вазият; 15) ҳикоя; 16) мусобақа; 17) жазолаш.

*2-топшириқ. Касб-ҳунар коллежларида талабнинг қайси шакллари қўллашни тавсия этиш мумкин? Уларни қўлланиш хусусиятига кўра «+», «-» ишораларидан фойдаланинг.*

Талаб	Буй-рук	Мас-лаҳат	Ишора бериш	Кўр-ки-тиш	Ўйин	Ишонч	Ил-ти-мос	Эъти-роф этиш	Мухо-кама қилиш
Бевосита									
Билвосита									

*3-топшириқ. Нуқталар ўрнига керакли сўзни топиб қўйинг.*

Ўргатиш – бу жадал бажариладиган ...

Ўргатишдан фойдаланишда ... аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш керак.

Ўргатиш методини қўллашдан аввал ... қандай бажаришни кўрсатиш зарур.

Ўргатиш доимий ... талаб этади.

Ўргатишни ... шаклида ташкил этиш яхши самара беради.

*Нуқталар ўрнини тўлдиришда қўйидаги сўзлардан фойдаланиш мумкин: 1) ўйин; 2) ҳаракатлар; 3) назорат; 4) машқ; 5) тарбия мақсади*

*4-топшириқ. Чизмани тўлдилинг.*

*Тарбияловчи вазиятни мувафаққиятли қўллашда қуйидагиларни талаб этади:*

1. ....
2. ....
3. ....
4. ....

*5-топшириқ. Қуйидаги муаммоли вазиятлар билан танишинг ва уларни ҳал этинг.*

**1-муаммоли вазият.** Ўқитувчининг ҳикоясидан: «Ўғлим қоронғуликдан ва баландликдан қўрқади. Мен имкон борича уни ана шу қўрқувни енга оладиган шароитга қўяман: гоҳида об-ҳаво қандайлигини билиб келиш учун қоронғу хонага юбораман. Ўйин пайтлари айрим вақтда чуқурликка сакрайманда: дарахтнинг ҳов анави навдасини олиб бер. Уни эмас, нариги юқоридагисини дейман...»

*Ўқитувчи тарбия жараёнида қайси методдан фойдаланмоқда? Мазкур йўл орқали натижага эришиши мумкинми?*

**2-муаммоли вазият.** Дарс бошланишидан аввал ўқитувчи ерда ғижимланган қоғоз парчаси ётганини кўриб, бир ўқувчидан қоғозни олиб, ахлат қутисига ташлашни сўради. Ўқувчи ўрнидан турмасдан, қоғозни у ташламаганлиги сабабли уни олмаслигини маълум қилди.

*Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутishi керак? Қайси тарбия методини қўллаш орқали вазиятни ижобий ҳал этиши ҳамда гуруҳни ҳайратлантириши мумкин?*

## **5. Шахснинг хулқ-атворини мотивациялаш ва рағбатлантириш методларига доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Қайси гуруҳда рағбатлантириши методлари тўғри тасниф этилган?*

1. Ҳикоя, тушунтириш, ҳикоя, намуна
2. Рағбатлаш, жазолаш, мусобақа, субъекти-прагматик
3. Машқ, рағбатлаш, ўргатиш, талаб, топшириқ бериш
4. Сухбат, огоҳлантириш, тарбияловчи вазият, назорат

*2-топшириқ. Қуйида келтирилган рағбатлантириши методларига изоҳ ёзинг.*

Койиш –  
Мақташ –  
Тақдирлаш –  
Таъқиқлаш –  
Таҳсинлаш –  
Тергаш –  
Уялтириш –  
Шавқлантириш –

*3-топириқ. Қуйидаги вазиятлар билан танишинг ва уларни ҳал этинг.*

**1-вазият.** Синф раҳбари ўқувчиларнинг дарсларга яхши тайёргарлик кўриб келиши ва юқори ўзлаштиришга эришиш мақсадида ўқувчиларга ҳафта давомида ким кўп «аъло» ва «яхши» баҳо олса, байроқча ўша ўқувчига тақдим этилиши ҳамда бир ҳафта давомида уни ўзи билан бирга олиб юриши мумкинлигини айтди.

Ўқитувчи қайси тарбия методини қўлламоқда? Мазкур методни қўллаш орқали эришиладиган ижобий ва салбий натижаларни таҳлил этинг.

**2-вазият.** Синф ўқувчиларидан бири доим эрталаб дарсга кечикиб келади. Бунга одатланиб қолиш ёмон эканлиги қанчалик тушунтирилмасин, у бу одатини ташламади.

Ўқитувчи қандай йўл тутиш орқали ўқувчини бундай салбий одатни ташлашига эришиш мумкин? Қайси тарбия методларини қўллаш орқали бунга эришиш мумкин?

## **13-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.** **МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ**

### **I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

#### ***Лаборатория машғулотининг тузилиши.***

1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўллари аниқлаштириш.
2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўллари ўзлаштириш.
3. «Иқтисодий барқарорлик – жамият ривожининг асоси» мавзусида тарбиявий соат ишланмасини тайёрлаш.
4. «Экология ҳафталиги» режасини тузиш ва уни ўтказишга доир ахборий-методик таъминотни яратиш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг иқтисодий ва экологик тарбияга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда иқтисодий ва экологик тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

#### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўллари ўзлаштирилишига эришиш.
2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўллари ўзлаштирилишига эришиш.
3. Иқтисодий тарбияни амалга ошириш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.
4. Талабаларда экопедагогик маҳоратни таркиб топтириш.

#### ***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўллари билиб оладилар.
2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўллари ўзлаштирадилар.
3. Иқтисодий тарбияни амалга ошириш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар.
4. Экопедагогик маҳоратга доир кўникмаларни эгаллайдилар.

## II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 215-217; Камолова Н.К. Ўқувчи-ёшларни иқтисодий тарбиялашнинг миллий-маънавий асослари. – Т.: ЎзПФТИ, 2004; Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. – Т.: «Туркистон», 2002).

2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 217-218; Исмоилов А., Аҳмадов Р. Экологик таълим-тарбия / Ўрта мактаблар ва билим юрт. учун қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1997; Нигматов А. Экология нима? Экология алифбоси. Атроф-муҳит ҳақида илк сабоқ: 6-тўплам. – Т.: «Bioekosan», 2002; Турдиқулов Э.О. Мутафаккирлар экологик тарбия ҳақида. – Т.: ЎзПФТИ, 2003).

3. «Иқтисодий барқарорлик – жамият ривожининг асоси» мавзусида тарбиявий соат ишланмасини тайёрлаш.

Тарбиявий соат ишланмасини тайёрлашда қуйидаги намунага асосланинг.

Сана:

Мавзу:

Мақсад:

Машғулотнинг жиҳози:

Машғулотнинг бориши:

№	Босқичлари	Асосий масала ва мавзуларнинг мазмуни	Масъул шахс
	1	2	3
1	Кириш (10 дақиқа)	1 ... 2 ... 3 ...	Гуруҳ раҳбари
2	Асосий қисм (40 дақиқа)	4 ... 5 ...	Бошловчи
3	Бадий қисм (20 дақиқа)	6 ... 7 ... 8 ...	Ўқувчи А Бошловчи



4	Яқуний қисм (10 дақиқа)	9 ... 10 ...	Ўқувчи Б Ўқувчи С Гуруҳ раҳбари
---	----------------------------	-----------------	--

4. «Экология ҳафталиклари» режаси ва уни ўтказишга доир методик ишланмаларни тайёрлаш.

«Экология ҳафталиклари» режасини тузишда қуйидаги намунага асосланинг. Қавс ичида кўрсатилганларга мос мавзуларнинг номларини киритинг.

### I. Куз фасли

1. (Экотадбир).
2. (Экомарафон).
3. (Видеофильм, видеороликлар намойиши).
4. (Экскурсия).
5. («Меҳржон» байрами)

### II. (Қиш фасли )

1. (Экологик мавзуда семинар)
2. (Эковикторина)
3. (Видеофильм, видеороликлар намойиши)
4. (Экологик ҳаракат фаоллари билан учрашув)
5. (Табиат музейига саёҳат)

### III. (Баҳор фасли )

1. (Экотадбир).
2. (Табиат қўйнига саёҳат).
3. («Наврўз» байрамини ўтказиш).
4. («Гуллар ва қушлар» байрами).

### III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл
2. Тарбиявий соат ишланмасини тайёрлаш – 2 балл
3. Экология ҳафталиклари режасини тузиш – 2 балл

#### **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларининг ўзлаштирилишига доир блиц-сўров саволлари**

1. Иқтисодий тарбия деганда нимани тушунасиз?

2. Иқтисодий тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

3. Ўқувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш таркибий қисмларига нималар киради?

4. Ўқувчиларга иқтисодий билим беришда қандай тарбия методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

5. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда қандай тарбия шаклларидан фойдаланилади?

6. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялашда қандай тарбия воситаларидан фойдаланилади?

**2. Экологик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштиришга доир ижодий тест топшириғи**

1. *Гапни тугалланг.*

«Экология» тушунчаси илк бор немис биологи ...

2. *Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

Ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён ... аталади.

3. *Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

... ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёндир.

4. *Гапни тугалланг.*

Экологик онг табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг ...

5. *Гапни давом эттиринг.*

Экологик фаслият ...

6. *Гапни тугалланг.*

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ...

*7. Гапни давом эттиринг.*

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида куйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур ...

*8. Гапни давом эттиринг.*

Экскурсия, экологик кечалар, экология ҳафталиги, шоирлар ва олимлар билан учрашувлар, сахна кўринишлари ...

*9. Гапни тугалланг.*

Башорат қилиш, икки ёқлама образлар, ўхшатиш, ўйин кабилар ...

*10. Гапни давом эттиринг.*

Ҳадислар, ривоят ва ҳикоятлар, панду насиҳатлар, мақол ва маталлар, топишмоқлар, ребус, видеороликлар ...

## **14-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАЗЗУ: ФУҚАРОЛИК ТАРБИЯСИ**

#### **I. Машғулотиинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### ***Лаборатория машғулотиинг тузилиши.***

1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.
2. Ватанпарварлик ва байналмилалик тарбиясининг ижтимоий аҳамиятини асослаш.
3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.
4. Фуқаролик тарбиясини ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш.

***Лаборатория машғулотиинг мақсади:*** талабаларнинг фуқаролик тарбиясига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда фуқаролик тарбиясини ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

##### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Фуқаролик тарбияси мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш.
2. Талабалар онгида ватанпарварлик ва байналмилалик ижтимоий қадрият эканлигини таркиб топтириш.
3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш.
4. Фуқаролик тарбиясини ташкил этишга доир амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадидилар.
2. Ватанпарварлик ва байналмилалликка нисбатан қадриятли муносабат шаклланади.
3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганадилар.
4. Фуқаролик тарбияни ташкил этишга доир кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

## II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 221-224; Лихачев Б.Т. Педагогика. –М:«ЮРАЙТ», 2003. –С.334-340; Шамарибходжаева Г. Касб-хунар коллежи талабаларида фуқаролик маданиятини тарбиялаш // Педагогик таълим ж. – Т.:2006. 3-сон, Б.87.

2. Ватанпарварлик ва байналмилалик тарбиясининг ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 229-232; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М: ЮРАЙТ, 2003. – С.340-341; Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.; Аминов Б., Расулов Т. Ватан – юракдаги жавоҳир. - Т.: «Ўқитувчи», 2001).

3. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 233-236; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М: ЮРАЙТ, 2003. – С.343-349; Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. 1-т. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.).

4. Фуқаролик тарбиясига доир тарбиявий тадбир ишланмасини тайёрлаш.

Тарбиявий тадбир ишланмасини тайёрлашга доир кўрстмалар:

1) тарбиявий тадбир ишланмасини тайёрлашда куйидаги мавзулардан бирини танланг: «Тил – миллат кўзгуси» (байрам тадбири); «Конституция – бахтимиз қомуси» (анжуман); «Фуқаролик: жаҳон тажрибаси ғоядри» (анжуман); «Ватан ягонадир – Ватан биттадир» (байрам тадбири); «Ёшлар ва мамлакат тараққиёти» (давра суҳбати); «Қалбимизда мангу яшайсиз» (экскурсия); «Аждодлардан авлодларга» (давра суҳбати); «Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат» (баҳс-мунозара); «Мустақиллик ва демократия: олий қадрият» (баҳс-мунозара); «Мардлар кўриқлайди Ватанни» (учрашув); «Сен қонунни биласанми?» (кўрик-танлов); «Конституция билимдони» (кўрик-танлов); «Ҳуқуқшунос бўлиш осон эмас» (учрашув);

2) тарбиявий тадбир ишланмасини тузилиши куйидаги қисмлардан иборат бўлиши лозим: 1) мавзунинг номи; 2) тадбирнинг мақсад ва вазифалари; 3) тадбирни ўтказиш жойи; 4) тадбир учун керакли жиҳозлар; 5) тадбир иштирокчилари ва уларга қўйиладиган

талаблар; 6) тадбирни ўтказиш босқичлари (кириш, асосий ва якуний қисм);

3) тарбиявий тадбир ишланмаси босма ҳолатда бўлиши ва мазмуни тушунарли бўлиши лозим.

### **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл.
2. Мавзу юзасидан берилган топшириқларни бажариш – 2 балл.
3. Тарбиявий тадбир ишланмасини тузиш ва уни ўтказиш тартибини асослаш – 2 балл.

### **IV. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

#### **1. «Фуқаролик инсонга нима учун керак?» мавзусидаги мунозарани ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетликда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

#### **2. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Фуқаро деганда нима тушунилади?

2. «Фуқаро», «фуқаролиги бўлмаган шахс» ва «чет эл фуқароси» тушунчаларига изоҳ беринг.

3. Фуқароларнинг ҳуқуқларини қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

4. Фуқароларнинг мажбуриятлари нималардан иборат?

5. Фуқаролик тарбияси деганда нимани тушунасан?

6. Фуқаролик тарбиясининг мақсади нима?

7. Фуқаролик тарбиясининг вазифалари нималардан иборат?

8. Фуқаролик тарбиясининг таълимий функцияларига нималар киради?

9. Фуқаролик тарбиясининг тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларини изоҳланг.

10. Фуқаролик тарбиясида сиёсий онгнинг аҳамиятини қандай изоҳлайсиз?

**3. «Ватанпарварлик ва байналмилаллик» мавзусидаги ўқув лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Талабалар икки гуруҳга бўлинадилар ҳамда уларга «ватанпарварлик» ва «байналмилаллик» мавзусига доир лойиҳа тайёрлаш вазифаси топширилади;

2. Гуруҳларда ишлаш учун ватман коғози, маркер ва скоч каби жиҳозлар тақдим этилади.

3. Гуруҳларда ишлаш тартибини ўқитувчи бошқариб бориши ва талабаларнинг ҳар бирининг иштирокини таъминлаши зарур.

4. Талабалар уларга берилган мавзу бўйича лойиҳани тайёрлаб бўлганларидан сўнг, унинг тақдимотини амалга оширишади.

5. Лойиҳа тақдимоти жараёнида кичик гуруҳ аъзоларининг барчаси иштирок этишлари лозим.

**4. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир ижодий тест топшириғи**

*1. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

... ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

*2. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.*

... муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

*3. Гапни тугалланг.*

Ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини химоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи ...

4. Гапни давом эттиринг.

Ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари ...

5. Гапни давом эттиринг.

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: ...

6. Нуқталар ўрнига керакли сўз ёки жумлани топиб қўйинг.

... – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.



## **15-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. МАНВУ: МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ**

### **I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

#### ***Лаборатория машғулотининг тузилиши.***

1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш.
2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
3. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш.
4. «Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар» мавзусида иншо ёзиш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

#### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Маънавий-ахлоқий тарбия мақсад ва вазифаларининг ўзлаштирилишига эришиш.
2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларининг аҳамиятини асослаш.
3. Талабаларда маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.
4. Талабаларда замонавий шароитда маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий зарурият эканлигига доир қадриятли ёндашувни қарор топтириш.

#### ***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.
2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларидан фойдаланишни ўрганадилар.
3. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.
4. Замонавий шароитда маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий зарурият эканлигига доир қадриятли ёндашув қарор топади.

## **II. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 252-257; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.153-155; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М: «ВЛАДОС», 2003. – С.163-165).

2. Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир ғояларини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлар. – Т.: «Фан», 1995; Шер Абдулла. Ахлоқшунослик. – Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2003; Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Т.: «Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 2002; Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. –Т.: «Ўқитувчи», 1996).

3. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 257-258; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.155-156; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. –М: «ВЛАДОС», 2003. –С.166-167.).

4. «Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар» мавзусида иншо ёзиш.

Иншоини ёзишга доир кўрсатмалар:

1) дастлаб иншонинг мураккаб режасини тузинг. У кириш, асоси қисм (учта параграф), хулоса каби қимлардан иборат бўлиши лозим;

2) иншода фикрларингизни асослаш учун цитаталар келтиринг;

3) ҳар бир масала юзасидан мустақил хулосалар чиқаринг;

4) иншонинг ҳажми уч саҳифадан ошмаслиги лозим.

## **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл

2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл

3. «Ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси: муаммо ва ечимлар» мавзусида иншо ёзиш – 2 балл

#### **IV. Машғулоти ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

##### **1. «Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш нима учун зарур?» мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топширик: «Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш нима учун зарур?» мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт тугаганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт нафар талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

##### **2. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. «Ахлоқ», «ахлоқийлик», «этика» тушунчаларига таъриф беринг.

2. Мазкур тушунчалар ўртасидаги фарқ нималарда намоён бўлади?

3. Сизнингча, мазкур тушунчалар бизнинг жамиятимизда қай тарзда намоён бўлмоқда?

4. Мазкур тушунчалар сизнинг ҳаётингизда қандай аҳамиятга эга?

5. Ахлоқий кадриятлар деганда нимани тушунаси?

6. Мактаб, коллеж ва олий таълимдаги ўқитувчилар сизнинг тарбиянгизга қандай таъсир кўрсатишган (кўрсатишмоқда)?

7. Сиз келажакда ўз ўқувчиларингизни қандай тарбиялашни тасаввур қила оласизми?

8. Сиз келажакда ўз фарзандларингизни қандай тарбиялашни хоҳлайсиз?

9. Ўзингизни тарбияли инсон деб айта оласизми?

10. Ўзингизни ахлоқли инсон деб ҳисоблай оласизми?

11. Сизда ўзингиз тузатишни хоҳлайдиган ахлоқий камчиликлар мавжудми?

12. Ўзингизда қандай сифатларни ривожлантиришни хоҳлайсиз?

13. Қандай инсон ахлоқий етук ҳисобланади?

14. Сизнингча, ахлоқий етуклик бугунги кунда қандай тарзда намоён бўлиши муҳим саналади?

15. Бугунги кунда тенгдошларингизни ахлоқий етук инсонлар деб айта оласизми?

16. Курсдошларингизнинг ахлоқий ривожланишидаги асосий муваффақиятлар ва муваффақиятсизликларни санаб беринг.

### **3. Ўйланг / жуфтликларда фикр алмашинг.**

Қуйида келтирилган Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий тарбияга доир қарашлари билан танишинг ва уларни муҳокама қилинг.

1. Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда яхши тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмай ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади (Абу Наср Форобий).

2. Инсонга ер юзини обод этиши ва уни бошқариб туриши учун ақл-заковат ато этилган, шунинг учун хар бир инсон юксак ахлоқли бўлиши лозим (Абу Райхон Бериуний).

3. Маълумки, инсон ҳеч қачон туғилганда яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди... Бироқ ҳар бир кишида бирон бир фазилатга ёки қабихликка майл, қобилият бўлади: 1. Фикрий фазилат ақлий қувватга кириб, ақллилик, донолик фаҳм-фаросатлилик зеҳнлиликдан иборат. 2. Хулқий фазилат – интилувчи қувватга кириб иффат, инжоат, саҳийлик ва адолатлиликни ўз ичига олади. Ёмон фазилатлар разилликдир (Абу Наср Форобий).

4. Яхши ва ёмон хулқларнинг ҳаммаси одатдан пайдо бўлади, одамларнинг яхши ёки ёмон бўлишида ҳукумат ахлларининг таъсири ҳам зўр бўлади (Абу Али ибн Сино).

5. Киши икки нарса билан хаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз (Юсуф Хос Хожиб).

6. Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилғон яхшиликдан ҳаргиз пушаймон бўлмагил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етади, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва ёзиш хурамлик етишур. Демак, бу жаҳонда яхшилик ва ёмонлик мукофоти, албатта,

етгусидур. Яхшиликнинг яхшилик билан қайтиши айни ҳақиқатдир (Кайковус).

7. Инсонда икки нарса бўлса унга мурувват йўли ёпилади: бири беҳуда сўзларни кўп гапирса, иккинчиси, унинг сўзлари ёлгон бўлса (Аҳмад Югнакий).

8. Улугликка етсанг, унутма ўзинг

Агар атлас кийсанг, унутма бўзинг (Аҳмад Югнакий).

9. Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди (Амир Темур).

#### **4. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишга доир амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. «Керакли сўзларни топиб қўйинг» тренингини ўтказиш.*

Тренингнинг мақсади: талабаларда гуруҳдошларига нисбатан кадриятли муносабатни шакллантириш.

Тренингнинг бориши:

I. Ўқитувчи талабаларга бир варақ қоғоз олиб, доскага ёзилган куйидаги гаплардаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб ёзишни сўрайди.

1. Мен кўпроқ инсонлардаги ... кадрлайман.

2. Мен ўз тенгдошларимни ... учун ҳурмат қиламан.

3. Мен ўз тенгдошларимни ... учун ҳурмат қилмайман.

4. Мен ўзимда кўпроқ ... фазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.

5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу ...

6. Меъ инсталган қарорни чиқаришда ... асосланаман.

II. Талабалар индивидуал тарзда гаплардаги керакли сўзларни ёзиб бўлишгандан сўнг, дастлаб жуфтликларда ва сўнгра гуруҳларда ўз фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар.

III. Гуруҳларда муҳокама қилиш учун ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи доскага куйида кўрсатилганидек, «Тоифалаш жадвали»ни чизади ва уни гуруҳларда тўлдиришни сўрайди.

Биз кадр- лаймиз.....	Биз ҳурмат қиламиз...	Биз ҳурмат қилмаймиз....	Биз эри- шишни истаган фазилатлар....	Бизнинг мақсади- миз...	Биз таянадиган асослар...

IV. Ҳар бир гуруҳ ўз тоифалаш жадвалларини тўлдириб бўлишгач, алоҳида-алоҳида тақдимот қиладилар.

*2-топшириқ. Муаммоли саволлар.*

Қуйида келтирилган муаммоли саволлар билан танишинг ва уларни ҳал этинг.

1. Учинчи синф ўқувчилари шуҳратпарастлик ва манманлик тушунчаларининг мазмуни бир хил ёки бошқача эканлиги тўғрисида баҳслашиб қолдилар. Нима учун болалар бу масалани тушуниб олишлари қийин? Уларга қандай қилиб ёрдам бериш мумкин?

2. «Унинг виждони тоза эмас», «Бу – виждонсиз киши», «Бу ишни қилишга менинг виждоним йўл қўймайди» деган гапларни сиз қандай тушунасиз? Виждоннинг кишини ахлоқий тарбиясига қандайдир алоқаси борми? Бу қандай алоқа?

3. Телевидение орқали намойиш этилаётган чет эл сериалларининг ёшлар тарбиясига қандай ижобий ва салбий таъсири бор деб ўйлайсиз? Уларни томоша қилиш ва унга муносабат билдиришда ота-оналар қандай йўл тутишлари лозим, деб ҳисоблайсиз?

4. Сиз инсонларда қадрлайдиган, улуғлайдиган ахлоқий фазилатлар қайсилар ва сиз «ахлоқсизлик» деб қарайдиган сифатлар нималар?

## 16-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. МАВЗУ:ОИЛА ТАРБИЯСИ

### I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари

#### *Лаборатория машгулотининг тузилиши.*

1. Оила, унинг вазифалари ва турларини аниқлаштириш.
2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.
3. Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шаклларига доир амалий топшириқларни бажариш.

4. «Менинг оилам» мавзусида ўқув портфолиосини тайёрлаш.

*Лаборатория машгулотининг мақсади:* талабаларнинг оила тарбиясига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда ота-оналар билан олиб бориладиган иш шаклларини ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

#### *Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўзлаштирилишига эришиш.
2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш.
3. Талабаларни оила билан олиб бориладиган иш шаклларини амалиётга қўллашга ўргатиш .
4. Талабаларда оила ва оила тарбиясига нисбатан қадриятли муносабатни қарор топтириш.

#### *Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўзлаштирадилар.
2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашди.
3. Ота-оналар билан олиб бориладиган иш шаклларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.
4. Оила ва оила тарбиясига нисбатан қадриятли муносабат қарор топади.

### II. Машгулот топшириқлари (уй вазифаси учун):

1. Оила, унинг вазифалари ва турларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтоҳоджаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар

Миллий жамияти», 2010. – Б. 269-275; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси. – Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008. – Б.124-129; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.199-210).

2. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси – Т.: «Ўқитувчи», 1994; Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси – Т.: 1999; Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: «Маънавият», 1999; Общая педагогика. / Под ред. В.А. Сластенина. – М.: «Владос», 2003. – Ч.2. – С.225-226; Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси. – Т.: 2006).

3. Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шакллари ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010. – Б. 275-278; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003. – С.235-245; Общая педагогика. / Под ред. В.А. Сластенина. – М.: «Владос», 2003. – Ч.2. – С.227-228).

4. «Менинг оилам» мавзусида ўқув портфолиосини тайёрлаш.

Ўқув портфолиосини тайёрлашга доир кўрсатмалар:

1. Ўқув портфолиоси қуйидаги уч бўлимдан иборат ҳолда ишлаб чиқилиши керак: 1) «Менинг оилам қиёфаси», «Коллектор», «Ютуқлар».

2. «Менинг оилавий қиёфам» бўлимида «Менинг оилам анкетаси», «Танишинг бу менинг оилам», «Оиламизнинг қизиқишлари» лавҳалари акс эттирилади.

3. «Коллектор» бўлимида «Оилавий фотосуратлар», «Оиламиз ижодидан» лавҳалари келтирилади.

4. «Ютуқлар» бўлимида «Оиламиз мустақамлиги сири», «Оиламиз аъзолари томонидан эришилган ютуқлар» лавҳалари ўрин олиши мумкин.

5. Портфолио икки ҳафта мобайнида яратилиши лозим.

6. Портфолиони баҳолаш қуйидаги тамойилларга асосланади: 1) саводхонлик; 2) эстетиклик; 3) мақсадга эришилганлик; 4) мазмуннинг бойлиги; 5) ижодий ёндашув.

### **III. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл

2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл



3. «Менинг оилам» мавзусида ўқув портфолиосини тайёрлаш—  
2 балл

#### **IV. Машғулоти ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

##### **1. «Оила ҳақидаги афсоналар» ўйинини ташкил этиш ва ўтказишга доир кўрсатмалар**

Мақсад: талабаларнинг оилавий ҳаётга оид кенг тарқалган лекин ноўрин «афсонавий» фикрларга муносабатини аниқлаш ҳамда уларда мустақил фикрлар ва қарашларни шакллантириш.

Материаллар: «Кўшилмайман», «Кўшиламан», «Қисман Кўшиламан», «Билмайман» каби ёзувлар.

Ўйин давомийлиги: 5 минут.

Ўйиннинг бориши:

1. Хонанинг турли томонларига «Кўшилмайман», «Кўшиламан», «Қисман кўшиламан», «Билмайман» ёзувлари ёпиштириб чиқилади.

2. Талабаларга оилавий ҳаётга оид ҳодисаларни акс эттирувчи ва омма орасида кенг тарқалган ғайритабiiий фикрлар — «афсона»ларни ўқиб эшиттирилади. Талабалар бу фикрларга кўшилиш ёки кўшилмасликларини девордаги ёзувлар ёнига бориб туриши орқали намoён этадилар. Шундан сўнг, улар ўз танловларини асослаб, изоҳлаб берадилар. Ўқитувчи ҳар томондаги талабаларнинг фикрларини бошқа талабаларни баҳсга жалб этган ҳолда муҳокама қилади ва гуруҳий мунозара орқали талабаларни тўғри жавоб сари етаклайди.

3. Жинслар ўртасидаги тенглик, оилавий ҳаётдаги поклик ва инсондаги маънавий етуклик ҳақидаги тушунчалар мажмуаси қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) оилада доимо эркак киши хўжайин;
- 2) аёл киши ҳеч қаерда ишламасдан уйда ўтириши керак;
- 3) оилага пул топиб келиш фақат эркак кишининг иши;
- 4) хотин эрининг руҳсатисиз ҳеч қаерга чиқа олмайди.

Ўқитувчи ўз ихтиёрига кўра бу таърифлар ёнига бошқаларини ўйлаб топиб қўшилиши ҳам мумкин.

##### **2. Оила, унинг вазифалари ва турларига доир блиц-сўров саволлари**

1. «Оила» тушунчасига таъриф беринг.
2. Оила қандай жиҳатларни ўзида акс эттиради?

3. Жамиятга муносабатига кўра оила қандай вазифаларни бажаради?

4. Инсонга нисбатан муносабатига кўра оиланинг вазифаларига нималар қиради?

5. Оиланинг иктисодий функцияси қандай вазифани бажаради?

6. Оиланинг ижтимоий функциясига нималар қиради?

7. Оиланинг репродуктив функцияси нималардан иборат?

8. Оиланинг тарбиявий, коммуникатив, релаксация, фелиоцитологик, регулятив функцияларига изоҳ беринг.

9. Эндогам ва экзогам оилалар тушунчаларини қандай изоҳлаш мумкин?

10. Никоҳий ҳолат бўйича оилаларни қандай турларга бўлиш мумкин?

11. Болалар сонига кўра замонавий оилаларнинг қандай турлари мавжуд?

12. Ўзаро муносабат турига кўра оилаларни қандай турларга тасниф қилиш мумкин?

13. Шахсларо муносабатлар тавсифига кўра оилалар қандай гуруҳлаштирилади?

**3. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлашга доир икки қисмли кундаликлар топшириғи**

Куйида келтирилган «Замонавий оилалар ривожининг ўзига хосликлари» мавзусидаги икки қисмли кундаликнинг чап томондаги устунда келтирилган фикрлар билан танишинг ва ўнг томондаги устунга уларнинг ҳар бирига изоҳ ёзинг.

Шаҳар ва қишлоқ оилаларининг ижтимоий ҳаёт тарзидаги фарқ	
Ота-она қанчалик юқори маълумотга эга бўлса, уларнинг болалари таълим муассасасида шунчалик мувафакқиятли ўқишади.	
Бозор иктисодиёти шароитида моддий жиҳатдан турлича таъминланганлик	
Оиладагилар сонини камайтириш, туғилишнинг олдини олиш	
Замонавий оилалар ажралишлар сонининг кўзга кўринарли кўпайганлиги	

Оилада ота-оналар психологик жиҳатдан тайёр бўлиши мумкин. Лекин ҳаммаси ҳам етарлича педагогик билимларга эга эмас.	
Ижтимоий ҳаётнинг маданий савиясининг пастлиги	
Оилада аёлларга тушадиган «юк»нинг катталиги	
Авлодлар орасидаги конфликтларнинг кучайиб бораётганлиги	

#### 4. Таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шаклларига доир амалий топшириқлар

*1-топшириқ. Қуйида келтирилган таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шакллари билан танишинг. Уларни мазмунига кўра икки – жамоавий ва индивидуал иш шаклларига ажратинг.*

1. Педагогик лекториялар.
2. Оилага ташриф буюриш.
3. Илмий-амалий конференциялар.
4. Педагогик топшириқ.
5. Ота-оналар мажлиси.
6. Педагогик консультация.
7. Очик эшиқлар куни.
8. Мажбурий педагогик таълим.

Жамоавий иш шакллари	Индивидуал иш шакллари

*2-топшириқ. Мазмунига кўра қуйидаги фикрлар таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган иш шакллари билан қайси бирига тегишли эканлигини аниқланг.*

1. Мазкур шакл ота-оналарнинг эътиборини тарбиянинг замонавий муаммоларига эътибор қаратишлари мақсадида ўтказилади. Бу шакл ота-оналарни тарбия назариясига асосланган тизимли билимлар билан қуроллантиришни кўзда тутди.

2. Мазкур шакл синфлар бўйича ўтказилади. Албатта 1-машғулоти таълим муассасаси бошқарувчилари: директор, илмий

мудир, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ўтказгани мақсадга мувофиқ.

3. Мазкур иш шаклида тарбия муаммолари бўйича ота-оналар билан бир йилда бир мартаба ўтказилади. Оила тарбиясидаги кўпроқ етилиб турган муаммо аниқланади.

4. Ушбу иш шаклида таълим муассасасига ота-оналар таклиф этилиб, ўқувчилар томонидан амалга оширилган ишлар тақдимоти ўтказилади. Одатда уни таътил ва вақтида, чоракнинг бошланишига тўғриланади.

## **17-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**

### **МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ ВА ЭСТЕТИК ТАРБИЯ**

#### **I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

##### ***Лаборатория машғулотининг тузилиши***

1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.

2. Эстетик тарбия мазмунини ёритиб бериш.

3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига доир амалий топшириқларни бажариш.

4. Музейга экскурсия уюштиришга доир ишланма тайёрлаш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг жисмоний ва эстетик тарбияга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда жисмоний ва эстетик тарбияни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

##### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш.

2. Эстетик тарбия тизимини аниқлаштириш.

3. Талабаларни жисмоний ва эстетик тарбия воситаларини амалда қўллашга ўргатиш.

4. Талабаларни экскурсияни ташкил этиш ва ўтказишга йўналтириш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.

2. Эстетик тарбиянинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, эстетик тарбия тамойилларига доир билимларини мустаҳкамлайдилар.

3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.

4. Экскурсияни ташкил этиш ва ўтказиш малакасини эгаллайдилар.

#### **I. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтоҳджаева умумий таҳрири остида. – Т.:

«Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Слостенина. – М.: «Владос», 2003. – Ч.2).

2. Эстетик тарбия тизимини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Слостенина. – М.: «Владос», 2003. – Ч.2; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: «ВЛАДОС», 2003).

3. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Подласый Т.П. Педагогика. Кн.2. – М.: «ВЛАДОС», 2003; Общая педагогика. / Под. ред. В.А. Слостенина. – М.: «Владос», 2003. – Ч.2; Лихачев Б.Т. Педагогика. – М.: «ВЛАДОС», 2003).

4. Музейга экскурсия уюштиришга доир ишланма тайёрлаш. Экскурсия ишланмасини тайёрлашга доир кўрсатмалар:

1) экскурсия ишланмаси ўзаро бир-бири билан боғланган куйидаги аниқ *таркибий тузилиш*га эга бўлиши лозим: тайёрлов босқичи, экскурсиянинг бориши ва экскурсиядан кейин амалга ошириладиган иш;

2) *тайёрлов босқичида* экскурсия мавзуси, унинг мазмун-моҳияти, ўтказилиш муддати белгилаб берилади. Шунингдек, экскурсия уюштириладиган объектнинг жойлашган ўрни ва маршрути аниқланади. Экскурсия давомида бериладиган намунавий саволлар тузилади;

3) *экскурсияни амалга ошириш* жараёни режалаштирилиши лозим. турли хил саволлардан фойдаланилади: 1) далиллар келтиришни талаб этувчи саволлар (қандай номланади, қандай қисмлардан иборат, қандай хусусиятлар ва ўзига хосликларга эга); 2) фикрлашни фаоллаштирувчи, қиёслаш, таққослаш, фарқини ажратиш, умумлаштиришни талаб этувчи саволлар (муносабат, алоқадорликларни ҳосил қилиш учун); 3) англаш фаоллигини рағбатловчи, ижодий фикрлаш, хулосалар чиқаришга ундовчи саволлар;

4) *экскурсиядан сўнг амалга ошириладиган иш* (альбом тайёрлаш).

## **II. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл
3. Экскурсия ишланмасини тайёрлаш – 2 балл

## **III. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Жисмоний ва эстетик тарбия: уйғунлик ва алоқадорлик нимада?» мавзусида мунозарани ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи мунозара учун саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Талабаларнинг жавоблари тингланади ва доскага ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларни талабалар билан биргаликда муҳокама қилади ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**2. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Жисмоний тарбия деганда нима тушунилади?

2. «Жисмоний кафолат» тушунчаси ўзида нимани ифода этади?

3. Жисмоний тарбиянинг мақсади нима?


4. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шияновлар жисмоний тарбиянинг қандай вазифаларини ажратиб кўрсатишади?

5. Б.Т.Лихачев таснифи бўйича жисмоний тарбиянинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи ва умуммаданий вазифаларига изоҳ беринг.

6. Жисмоний тарбиянинг эстетик ва ахлоқий вазифаларига нималар киради?

**3. Эстетик тарбия тизими моделини ишлаб чиқишга доир топшириқ**

Қуйида келтирилган чизма билан танишинг ва уни тўлдириш асосида «Эстетик тарбия тизими» моделини яратинг.



#### 4. Жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига доир амалий топшириқлар

*1-топшириқ. Қуйида келтирилган тарбия воситалари билан танишинг ва уларни хусусиятига кўра икки гуруҳга – жисмоний ва эстетик тарбия воситаларига ажратинг.*

1. Табиат. 2. Овқатланиш. 3. Уйқу. 4. Кун тартиби. 5. Кийиниш. 6. Сув ваннаси. 7. Ҳаво ваннаси. 8. Қуёшда тобланиш. 9.



Музыка. 10. Бадий адабиёт. 11. Театр. 12. Музей. 13. Машқ. 14. Гимнастика. 15. Ўйин. 16. Туризм. 17. Спорт.

2.

Жисмоний тарбия воситалари	Эстетик тарбия воситалари

2-топшириқ. Қуйидаги чизмага асоланиб, гуруҳ ўқувчиларининг тахминий кун тартибини ишлаб чиқинг.

Вақт	Иш мазмуни

3-топшириқ. Гуруҳларга бўлининг ва табиат гўзаллиги акс эттирилган асарлар рўйхатини тузинг ҳамда улардан бирида ифода этилган пейзажни баён этиб беринг.

**18-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МЕНЕЖМЕНТИ**

**I. Машғулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

***Лаборатория машғулотининг тузилиши***

1. Таълим муассасаси менежментининг моҳиятини аниқлаштириш.
2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўзлаштириш.
3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлашга доир амалий топшириқларни бажариш.
4. «Раҳбарнинг касбий компетентлигининг аҳамияти шундаки...» мавзусида асосланган эссе ёзиш.

***Лаборатория машғулотининг мақсади:*** талабаларнинг таълим муассасаси менежментига доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда таълим муассасасини бошқариш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Талабаларни «бошқарув» ва «таълим менежменти» тушунчаларининг фарқлашга ўргатиш.
2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўзлаштирилишига эришиш.
3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш.
4. Талабаларда раҳбарликка қадриятли муносабатни қарор топтириш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. «Бошқариш». «таълим менежменти» тушунчаларининг моҳиятини ҳамда таълим менежментининг ўзига хосликларини билиб оладилар.
2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўзлаштирадилар.
3. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар.
4. Талабалар раҳбарликка нисбатан қадриятли муносабат таркиб топади.

## **I. Машғулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Таълим муассасаси менежменти моҳиятини аниқлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Ахлидинов Р. Таълим менежменти – тараққиёт омили. // ж. Халқ таълими. – Т., 1996. – №6. – Б.18-22; Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. – Т.: «Фан», 2006).

2. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Салиров Ж. Замонавий бошқарув услублари: қай бири мақбул?. // ж. Жамият ва бошқарув. – Т., 2006. – №2 – Б. 24-26; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Меҳнат», 2000).

3. Таълим муассасани бошқаришга доир меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; «Академик лицей, касб-хунар коллежлари тўғрисида»ги Низом (1998 йил); Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Устави (1998 йил)).

4. «Раҳбар касбий компетентлигининг аҳамияти шундаки...» мавзусида асосланган эссе ёзиш.

Эссе ёзишга доир кўрсатмалар:

- 1) мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг;
- 2) нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг;
- 3) мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

## **II. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл
2. Амалий топшириқларни бажариш ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш – 3 балл
3. Асосланган эссе ёзиш – 2 балл

### Ш. Машғулотни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар

#### 1. «Химоя» ишбоп ўйинини ўтказишга доир кўрсатмалар

Ўйиннинг мавзуси: Бошқарув услублари.

Ўйиннинг мазмуни: таълим муассасани бошқариш услубларининг ўзига хосликлари.

Ўйиннинг бориши. Ишбоп ўйинда қуйидаги иштирокчилар қатнашишди: ишбоп ўйин ташкилотчиси (ўқитувчи), мунозара иштирокчилари (директор ўринбосарлари, ўқитувчилар, мунозара иштирокчилари), ҳакамлар.

*Ўйин ташкилотчиси:*

- 1) ўйиннинг боришини бошқаради;
- 2) иштирокчилар билан ўтказиладиган ўйиннинг мақсади, бориши, мезонлари, кутиладиган натижалари бўйича суҳбат ўтказди;
- 3) барча иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракатини амалга оширди;
- 4) мунозарани бошқарди;
- 5) яқунларини чикарди ва ўйинни баҳолашга ҳакамга ёрдам берди.

*Мунозара иштирокчилари:*

- 1) тақдим этилган мавзунини муҳокама қилишда иштирок этишади;
- 2) бошқарув услублари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этди;
- 3) бошқарув услубини қўллаш бўйича ўз ғоясини таклиф этди.

*Ҳакам:*

- 1) иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини йўналтириб туради;
- 2) мунозара вазиятини ҳосил қилиш учун ташвиқотга доир саволларни ўртага ташлайди;
- 3) мунозара иштирокчиларининг чиқишларини баҳолайди.

Роллар куйидаги тавсифга эга бўлди:

Раҳбар портрети. Раҳбар ўзининг бошқарув услубини химоя қилади. Ўз нуқтаи назарида қолди. Бошқарув услубига доир мулоҳазалар киритади.

Оптимист портрети. У раҳбарни қўллаб-қувватлайди, унинг фикрларини тўлдиради. Раҳбар бошқарув услубининг афзалликларини таъкидлаб ўтади.

Конформист портрети. У ўзининг мустақкам нуқтаи назарига эга эмаслигини намойиш этади. Вазиятга қараб, баъзан раҳбарни қўллаб-қувватлайди, баъзан қаршилик кўрсатади.

Консерватор портрети. У раҳбарнинг бошқарув услубининг самарали эмаслигини таъкидлайди. Раҳбар бошқарув услубининг салбий томонларини ажратиб кўрсатади.

Ҳакам портрети. У раҳбарнинг бошқарув услубига доир маълумотларни таҳлил қилди ва унинг энг асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатади. Раҳбарнинг бошқарув услубини ўзгартиришга доир кўрсатмалар беради.

**2. Таълим муассасаси менежменти моҳиятини аниқлаштиришга доир блиц-сўров саволлари.**

1. Бошқариш деб нимага айтилади?
2. Бошқарув объекти ва бошқарув субъекти тушунчаларига изоҳ беринг.
3. Таълим муассасасини бошқариш деганда нимани тушунасан?
4. Менежмент деганда нима тушунилади?
5. Таълим муассасаси менежменти деб нимага айтилади?
6. Таълим менежментининг ўзига хос жиҳатлари нималарда ёрқин намоён бўлади?

**3. Таълим муассасасини бошқариш функциялари, тамойиллари ва методларига доир тоифалаш жадвалини тўлдириш**

Бошқарув функциялари	Бошқарув тамойиллари	Бошқарув функциялари	Бошқарув методлари

**4. Таълим муассасасини бошқаришга доир меъёрий ҳужжатларни ўрганиш бўйича амалий топшириқлар**

*1-топшириқ. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тўғрисидаги Низом асосида қуйидаги жадвални тўлдириш.*

<b>Бўлимларнинг номланиши</b>	<b>Бўлим мазмуни</b>
Умумий қоидалар	
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этиш	
Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни	
Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти	
Халқаро ҳамкорлик	

*2-топшириқ. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Устави асосида қуйидаги жадвални тўлдиринг.*

<b>Бўлимларнинг номланиши</b>	<b>Бўлим мазмуни</b>
Қисқача таълим муассасаси ҳақидаги маълумотлар	
Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари	
Таълим муассасасини бошқариш	
Ўқув-тарбия ва илмий-услубий ишларни ташкил этиш	
Ўқитувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари	
Ўқувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари	
Ўқув-ишлаб чиқариш усталари, маъмурий ва ёрдамчи ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари	
Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари	
Таълим муассасасининг моддий ва молиявий ҳужалик таъминоти	

**19-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.**  
**МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА МЕТОДИК ИШЛАРНИ**  
**БОШҚАРИШ**

**I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

*Лаборатория машгулотининг тузилиши.*

1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.

2. Педагогика кенгаши, Методика кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир амалий топшириқларни бажариш.

3. Мажлис баённомасини ёзишга ўрганиш.

*Лаборатория машгулотининг мақсади:* талабаларнинг таълим муассасасида методик ишларни бошқаришга доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда методик ишларни ташкил этиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

*Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):*

1. Педагогик кенгаш, Методика кенгаши ҳамда метод бирлашмаларнинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш.

2. Талабаларни педагогик кенгаши, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларнинг фаолиятини ташкил этишга ўргатиш.

3. Мажлис баённомаларини ёзиш малакасини таркиб топтириш.

*Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):*

1. Педагогик кенгаш, Методик кенгаши ҳамда метод бирлашмаларнинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадилар.

2. Педагогик кенгаши, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларнинг фаолиятини ташкил этиш кўникмасига эга бўладилар.

3. Мажлис баённомаларини ёзиш ва расмийлаштириш малакасини эгаллайдилар.

**I. Машгулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Педагогик кенгаш, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар

Миллий жамияти», 2010; Внутришкольное управление: Вопросы теории и практики. / Под редакцией Т.И.Шамовой. – М., 1991).

2. Педагогик кенгаши, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш. (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Внутришкольное управление: Вопросы теории и практики. / Под редакцией Т.И.Шамовой. – М., 1991).

3. Намунага мувофиқ мажлис баённомасини ёзиш.

Мажлис баённомасини ёзишга доир кўрсатмалар:

1) таълим муассасасининг Педагогик кенгашини ўтказиш учун тахминий тўртта масалани танлаб олинг. Биринчи масала «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Фармон, Қарор ва Фармойиш, Вазирликдан келган ҳужжатлар ижроси» ва тўртинчи масала «Турли масалалар» деб номланиши лозим;

2) мажлис баённомасини қуйидаги намуна асосида ёзинг:

\_\_\_\_\_ Педагогик кенгашининг \_\_\_\_\_ - сонли йиғилиши  
(таълим муассасасининг номи)

## БАЁННОМАСИ

\_\_\_\_\_  
(сана)

\_\_\_\_\_  
(шаҳар)

## КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Фармон, Қарор ва Фармойиш, Вазирликдан келган ҳужжатлар ижроси.

2. ....

3. ....

4. Турли масалалар:

4.1. ....

4.2. ....



### ЙИҒИЛИШНИНГ БОРИШИ:

1-масала. ....  
ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

2-масала. ....  
ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

3-масала. ....  
ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

4-масала. ....  
ЭШИТИЛДИ:

ТИНГЛАНДИ:

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. ....

2. ....

3. ....

Кенгаш раиси: \_\_\_\_\_  
(имзо) (исм-фамилияси)

Кенгаш котиби: \_\_\_\_\_  
(имзо) (исм-фамилияси)

### II. Талабаларни машғулот бўйича баҳолаш мезонлари

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл
2. Амалий топшириқларни бажариш – 2 балл
3. Мажлис баённомасини ёзиш ва расмийлаштириш – 2 балл

### **III. Машғулоти ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

#### **1. «Мен Педагогик кенгаш ҳақида нималарни биламан?» мавзусидаги эркин ёзиш топшириги**

Топшириқ: «Мен Педагогик кенгаш ҳақида нималарни биламан?» мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.

2. Беш дақиқа тугагач, вақт тугаганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.

3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

#### **2. Педагогик кенгаш, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларининг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Педагогик кенгашни ташкил этишнинг мақсади нимада?

2. Педагогик кенгашнинг мақсад ва вазифаларига нималар қиради?

3. Педагогик кенгаш қандай ҳуқуқларга эга?

4. Педагогик кенгаш ҳужжатларига нималар қиради?

5. Методик кенгаш қандай бошқарув органи?

6. Методик кенгашнинг мақсади нима?

7. Методик кенгашнинг вазифаларига нималар қиради?

8. Методик кенгаш ҳужжатларига нималар қиради?

#### **3. Педагогик кенгаши, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир амалий топшириқлар.**

*1-топшириқ. Педагогик кенгашчи, Методик кенгаши ва метод бирлашмаларининг намуновий йиллик иш режасини тузиш.*

Йиллик иш режаларни тузишда қуйидаги чизмага асосланинг.

<b>№</b>	<b>Бажариладиган ишлар</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>	<b>Масъул</b>

*2-топириқ. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва ёш ўқитувчилар билан ишлаш шаклларига доир қуйидаги жадвални тўлдиринг.*

<b>Педагог кадрларнинг малакасини ошириш шакллари</b>	<b>Ёш ўқитувчилар билан ишлаш шакллари</b>

## **20-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. МАНВУ: КОРРЕКЦИОН ПЕДАГОГИКА**

### **I. Машгулотнинг тузилиши, мақсади, педагогик вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари**

#### ***Лаборатория машгулотининг тузилиши***

1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш.

2. Ривожланишдаги нуқсонларни классификациялаш.

3. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларига доир амалий топшириқларни бажариш.

***Лаборатория машгулотининг мақсади:*** талабаларнинг коррекцион педагогикага доир назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларда коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини таркиб топтириш.

#### ***Педагогик вазифалар (профессор-ўқитувчи фаолияти):***

1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирилишига эришиш.

2. Талабаларни ривожланишдаги нуқсонларни тасниф этишга ўргатиш.

3. Талабаларда ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларидан фойдаланиш кўникмасини таркиб топтириш.

***Ўқув фаолияти натижалари (талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти):***

1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштирадilar.

2. Ривожланишдаги нуқсонларни тасниф этишга ўргатишади.

3. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билаш ишлаш методларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар.

### **I. Машгулот топшириқлари (уй вазифаси учун):**

1. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999; Po'latova P. M. Maxsus pedagogika – Т.: 2005).

2. Ривожланишдаги нуқсонлар таснифини ўрганиш ва таҳлил этиш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999; Po‘latova P. M. Maxsus pedagogigka – Т.: 2005).

3. Ривожланишида нуқсонли бўлган болалар билан ишлаш тамойиллари ва методларини ўзлаштириш (Педагогика // М.Х.Тохтаходжаева умумий таҳрири остида. – Т.: «Файласуфлар Миллий жамияти», 2010; Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999; Po‘latova P. M. Maxsus pedagogigka – Т.: 2005).

## **II. Талабаларни машғул�т бўйича баҳолаш мезонлари**

Жами: 5 балл

1. Адабиётлар билан ишлаш ва конспект қилиш. – 1 балл
2. Амалий топшириқларни бажариш ва саволларга жавоб бериш – 4 балл

## **III. Машғул�тни ўтказиш жараёнида қўлланиладиган топшириқлар**

**1. «Коррекцион педагогикани ўрганишнинг аҳамияти шундаки...» мавзусида асосланган эссе ёзиш.**

**Топшириқни бажариш тартиби:**

1. Мазкур мавзу юзасидан ўз нуқтаи назарингизни баён этинг.
2. Нуқтаи назарингизни асослаш учун далиллар киритинг.
3. Мавзу юзасидан аниқ хулосалар чиқаринг.

**2. Коррекцион педагогиканинг мақсад ва вазифаларига доир блиц-сўров саволлари**

1. Коррекцион педагогика фани нимани ўрганади?
2. Коррекцион педагогика фани яна қандай номлар билан аталади?
3. Коррекцион педагогика фани қай тарзда пайдо бўлган?
4. Коррекцион педагогиканинг қандай соҳалари мавжуд?
5. Коррекцион педагогиканинг асосий вазифаларига нималар киради?
6. Коррекцион педагогиканинг асосий категорияларига нималар киради?

7. Аномал билан олиб бориладиган коррекцион ишнинг асосий йўналишларига нималар киради?

3. Талабаларни ривожланишидаги нуқсонларни тасниф этишга доир тоифалаш жадвали

<b>М.А.Власова ва М.С.Певзнерлар таснифи</b>	<b>О.Н.Усанова таснифи</b>	<b>В.С.Рахманова таснифи</b>

4. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан ишлаш методларига доир амалий топшириқлар

**1-топшириқ.** Аномал болаларнинг фикрлашини ўрганиш мақсадида тахминий сўровнома вариантини ишлаб чиқинг.

**2-топшириқ.** Аномал болаларнинг ривожланишидаги ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда уларга чизиш таклиф этиладиган расмлар рўйхатини ишлаб чиқинг.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривжланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. // «Маърифат» газетаси, 2012 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни//«Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобида. – Т.: «Шарқ», 1997. – Б. 20-29.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»// «Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобида. – Т.: «Шарқ», 1997. – Б.31-61.

4. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.

5. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: ТГПУ, 2003. – 192 с.

6. Бекмурадов А.Ш., Голиш Л.В., Хашимова Д.П., Хажиева К.Н. Лойихавий таълимнинг технологияси. – Т.: ТДИУ, 2010.

7. Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. – СПб.: Питер, 2001. – 276.

8. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш. – Т.: ТДИУ, 2010. – 149 б.

9. Голиш Л.В., Саидова Д.Т. Тренинг – форма оперативного повышения квалификации педагогических кадров. (в вопросах и ответах). – Т.: ТГЭУ, 2008. – 144 с.

10. Джалелесов Т.Е. Учебно-методический практикум по курсу «История педагогики». – Т., 2010.

11. Джалелесов Т.Е. Как создать творческую группу? – Т.: «Fan va technology» нашриёти, 2011.

12. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.

13. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: «Ўқитувчи», 2004.

14. Кукушин В.С. Теория и методика воспитательной работы. – Ростов-на-Дону: Март, 2002.

15. Лихачёв Б.Т. Педагогика. Курс лекций. – М.: «Юрай-Издат», 2003. – 607 с.
16. Новикова Т.Г., Пинская М.А., Прутченков А.С., Федотова Е.Е. Использование портфолио учащегося в предпрофильной подготовке и профильном обучении. Методическое пособие. – М., 2008.
17. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: «Насаф», 2000.
18. Педагогика/ Под ред. П.И.Пидкасистого. –М.: Пед.общество России, 1998. – 640 с.
19. Педагогика. Большая современная энциклопедия. – Минск: Современное слово, 2005. – 720 с.
20. Педагогические технологии/ Под ред. В.С.Кукушина. – М.-Ростов-на-Дону: Март, 2006. – 336 с.
21. Подласый И.П. Педагогика. – М.: «Высшее образование», 2006. – 540 с.
22. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х кн. – М.: «ВЛАДОС», 2005. Кн.1. – 574 с.
23. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. В 2-х кн. – М.: «ВЛАДОС», 2005. Кн.2. – 256 с.
24. Подласый И.П. Продуктивная педагогика. – М.: «Народное образование», 2003. – 496 с.
25. Поляков С.Д. Технологии воспитания. – М.: «ВЛАДОС», 2002. – 144 с.
26. Психология и педагогика / Под ред. А.А.Радугина. – М.: Центр, 2002. – 256 с.
27. Сафо Очил., Ҳошимов К. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1999.
28. Селевко Г.К. Педагогические технологии на основе дидактического и методического усовершенствования. – М.: НИИ школьных технологий, 2005.
29. Слостёнин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. – М.: «Школьная пресса». – 510 с.
30. Слостёнин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2 ч. – М.: «ВЛАДОС», 2003.– Ч.1. – 288 с.
31. Слостёнин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2 ч.– М.: «ВЛАДОС», 2003. – Ч.2. – 256 с.
32. Слостёнин В.А., Чижакова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: «Академия», 2003. – 192 с.



33. Столяренко А.М. Общая педагогика. –М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2006. – 479 с.
34. Столяренко Л.Д. Педагогика. – Ростов-на-Дону: «Феникс», 2003. – 448 с.
35. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. – 488 б.
36. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. – 464 б.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
1-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	5
2-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	10
3-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	15
4-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	20
5-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	25
6-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	32
7-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	38
8-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	43
9-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	48
10-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	53
11-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	58
12-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	64
13-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	71
14-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	76
15-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	81
16-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	87
17-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	93
18-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	98
19-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	103
20-ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.....	108
Фойдаланилган адабиётлар.....	111

**КАЛДИБЕКОВА АНАРГУЛ СОТБАРОВНА**

**УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ  
ВА АМАЛИЁТИДАН ЛАБОРАТОРИЯ  
МАШҒУЛОТЛАРИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013**

Муҳаррир: Ш.Кушербаева  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Э.Мажидов  
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 28.03.2013 йил.**

**Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табағи 7,75. Нашр босма табағи 7,25.**

**Тиражи 300. Буюртма №33.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.  
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**